БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 16 (507)

22 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Партия ташкилотларининг жанговар вазифаси

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент область VIII партия конференцияси область партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди, Ўзбекистон КП область комитетининг янги составини, область партия ташкилоти ревизия комиссиясини ва Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'ездига делегатлар сайлади. Конференция партия қаторларининг мустаҳкам бирлигини, партия ташкилотларининг ғоявий жиҳатдан чиниққанлигини, уларнинг ишчанлик қобилияти анча ошганлигини ва коммунистик қурулишнинг янги вазифаларини бажаришга ҳардоим тайёр турганлигини намойиш қилди, партиялилар оммасининг активлиги ва ижодий ташаббуси ниҳоятда ўсганлигини яққол кўрсатди. Конференция делегатлари СССР халқ хўжалиги ни ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директивалари проектини якдиллик блан ма'қулладилар.

Область партия конференцияси ҳисобот даври ичида саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида эришилган ютуқларни қайд қилиш блан бирга, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг ишларидаги мавжуд камчиликларни рўй-рост очиб ташлади. Бу камчиликлар шундан иборатки, ҳали кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини бажариш соҳасида етарли қураш олиб бормаётирлар, саноатга раҳбарлик қилиш, техникани янада тараққий этиришни ва ишлабчиқаришни такомиллаштиришни та'минлаш соҳасидаги ўз ишларини қайтадан куришда сусткашлик кўрсатмоқдалар, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарнинг резервларидан тўла фойдаланмаётирлар.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари барча корхоналар томонидан давлат топшириқларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича сўзсиз бажаралишини та'минлаш блан бир қаторда, саноатнинг ҳамма соҳаларида ҳам техникани такомиллаштириш даражасини оширишга эришишлари керак. Янги техникадан кенг фойдаланиш, меҳнатни кўп талаб қиладиган процесларни механизациялаштириш ва новаторларнинг илғор иш методларини жорий қилиш асосида меҳнат унумини тобора ошириш, таннархини камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари қарорлом партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши керак.

Конференция капитал-қурулиш планларининг қониқарсиз бажарилаётганлигини, 1955 йилда уй-жой қурилишида 56 миллион сўм маблағ фойдаланилмай қолганлигини, капитал-қурилиш плани ўтган йили фақат 87 процент бажарилганлигини қаттиқ қоралади. Партия ташкилотлари, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари областьда капитал-қурилиши ишини тўблан яхшилаш тадбирларини кўришлари, саноат ва уй-жой қурилиши учун, шунингдек маданий-маиший об'ектлар қуриш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан тўла фойдаланиш ҳамда об'ектларни белгиланган муддатларда ишга туширишни та'минлашлари керак.

Область партия конференцияси КПСС Марказий Комитети сентябрь, январь ва июль Пленумларининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажаришда катта камчиликлар борлигини алоҳида та'кидлади. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, колхоз правлениелари, МТС ва совхоз дирекциялари қишлоқ хўжалигини янада тараққий этдириш учун мавжуд бўлган имкониятлар ва ички резервлардан тўла фойдаланмаётирлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда эришилган даража эса доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларга етарли жавоб бермайди. Кўпгина районлар, колхозлар, совхозлар ҳосилининг ва ялпи пахта маҳсулотининг камайишига йўл қўйилар. 1955 йилда 235 колхоздан 50 таси, 11 та пахтакор совхоздан 9 таси давлатга пахта топшириш планини бажармади, 66 колхоз эса гектаридан 15 центнердан кам ҳосил олди. 1956 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида областьнинг колхозлари ва совхозлари олдида ғоят катта вазифалар турганлигига қарамай, айрим партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, машина-трактор станциялари кўкламги экишни ўтказишга тайёргарлик кўришни қониқарсиз олиб бормоқдалар. Тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, қайтадан мослаш ва тахт қилиб қўйиш ипи жуда секин бормоқда.

Конференция область партия ташкилотининг бутун кучини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий вазифани бажаришга — барча қишлоқ хўжалик экинларининг, айниқса пахтанинг ҳосилдорлигини оширишга, жамоат чорва моллари сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ялпи ва товар маҳсулотини кўпайтиришга, колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, совхоз ва МТСларнинг ишини яхшилашга қаратишни жанговар вазифа қилиб қўйди.

Бу йил областимиз бўйича давлатга 465 минг тонна пахта, 88 минг тонна каноп ва жут маҳсулоти етказиб беришимиз, сабзавот экинлари ва картошка экиш планининг ҳарбир колхоз ва район томонидан бажарилишини ҳамда ҳар гектардан олиналиган картошка ҳосилини 120 центнергача, сабзавот экинлари ҳосилини 140 центнергача ва полиз экинлари ҳосилини 150 центнергача етказишни та'миклашимиз керак.

Бунинг учун ҳозирдан бошлаб кўкламги экишга тайёргарликни ҳартомонлама кучайтириб юбориш керак. Баҳорги экиш бошлангунча ер ҳайдаш ва шўр ерларни ювиш ишлари тугалланиши, тракторлар ва қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ишлари тўла равишда тамомланиши керак. Барча экин уруғлари тайёрланиб, тахт қилиб қўйилиши, экиш агрегатлари янги, прогрессив методда ишлашга ўргатилган кадрлар блан етарли миқдорда та'минланиши лозим.

Жуда муҳим бу тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда партия ташкилотлари катта ташкилотчилик ва етакчилик ролини ўйнашлари, омма орасида жонли ташкилий ва сиёсий агитация ишларини яхши йўлга қўйишлари, социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари керак.

Область партия конференцияси партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни ўюштиришда жиддий камчиликлар мавжудлигини, бошлангич партия ташкилотларига суст раҳбарлик қилинаётганлигини қайд қилиб, корхоналардаги, қурилишлардаги, колхоз, совхоз ва МТСлардаги, ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларидаги ишларнинг аҳволи учун бошлангич партия ташкилотларининг жавобгарлигини оширишни талаб қилди.

Партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари партия XIX с'езднинг КПСС сафларига янги а'золар қабул қилиш ишини тартибга солиш тўғрисидаги кўрсатмасини қониқарсиз бажармоқдалар. Чиноз, Оржоникидзе ва Қорасув район партия комитетлари колхозчилардан партия а'золигига кандидатлар қабул қилишни деярли тамомила тўхтатиб қўйганлар.

Айрим жойларда ходимларнинг ташкилотчилик қобилиятларини, ишнинг кўзини билишини ва сиёсий фазилатларини ўрганишга юзаки қараш кадрларнинг тез-тез алмашиниб туришига олиб келган. Ҳисобот даврида область партия комитетининг номенклатурасидаги ходимлардан қарийб 18 процента топширилган ишнинг уддасидан чиқаолмаганлиги учун ва бошқа сабаблар блан ишдан бўшатилган. Хотин-қиз кадрларни, айниқса маҳаллий миллатдан бўлган хотин-қиз кадрларни танлаш ва кўтариш ишлари суст олиб борилмоқда.

Конференцияда яна шу нарса та'кидландики, қишлоқ район партия комитетлари МТС зоналари бўйича инструкторлик группаларининг ролини оширгаанлар, уларнинг кўпчилиги қониқарсиз ва контрольсиз ишламоқда, бу эса ишда мас'улиятсизлик туғдирмоқда. Кўпгина зональ группалар кучсиз ходимлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиқ ишлабчиқаришининг қолоқ участкалари блан жиддий шуғулланмаётирлар. Райкомларнинг секретарьтари инструкторлиқ группаларига нисбатан лозим даражада талабчанлик кўрсатмаётирлар ва қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган конкрет вазифаларни бажаришда уларга етарлик ёрдам бермаётирлар. Партия пропагандаси ва сиёсий агитация ишлари юзаки характерда, турмушдан ажралган ҳолда олиб борилмоқда, меҳнаткашларни ишдаги камчиликларни бартараф қилишга, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга суст сафарбар этмоқда.

Шаҳар ва район партия комитетларининг вазифаси — конференцияда қайд қилиб ўтилган барча камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини кўришдан, КПСС Марказий Комитети Пленумлари томонидан ҳамда олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалар проектида қўйилган улуғвор вазифаларга тамомила мувофиқ равишда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг савиясини янада юқори даражага кўтаришдан иборатдир. Жонли ташкилотчилик ишига, ижрони текширишга, ишчиларга, колхозчиларга, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашга сафарбар қилишга эътиборни кучайтириш керак.

Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш, сиёсий агитацияни хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги конкрет вазифаларни ҳал этишга қаратиш, жанговар тусда, муайян мақсадга қаратиб олиб бориш лозим. Кадрларнинг систематик суратда ўқишини, уларнинг партия ва совет қурилиши масалаларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги экономикасини чуқур ўрганишларини ташкил қилиш керак.

Шаҳар ва район партия комитетлари ўзларининг раҳбарлик иш услубини тинмай такомиллаштириб боришлари, партия, совет ва хўжалик ходимларининг топширилган иш учун жавобгарликларини оширишлари керак. МТС зоналаридаги инструкторлик группаларининг иш фаолияти ҳарбир колхоз бўйича конкрет вазифаларни бажаришга, жамоат хўжалигини мустаҳкамлашга, қолоқ колхозларнинг экономикасини кўтаришга ва МТСларнинг ташкилотчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим.

Шўҳа йўқки, область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати товарагига янада маҳкамроқ жипслашиб, область меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли XX с'ездини муносиб кутиб олишга сафарбар этади ҳамда ўз олдида турган барча хўжалик-сиёсий вазифаларнинг муваффақият блан бажарилишини та'минлайди.

Қўриқ ерларда янгидан-янги меҳнат ғалабалари сари

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда намуна кўрсатган комсомол ва ёшлар кенгаши

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда намуна кўрсатган ташаббусчи ёшлар Сибирь, Олтой ва Қозоғистоннинг бепоён ерларидан, Поволжье ва Зауралье қирларидан, узоқ Амур областидан ва мамлакатнинг бошқа шарқий районларидан Москвага келдилар. Улар 20 январьда Катта Кремль саройига тўпландилар. Бундан икки йил муқаддам буерда биринчи кўнгиллилар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан топширилган янги буюк ишни бажарамиз, деб жўш уриб турган комсомол қалби блан тантанали қасам'ёд қилган эдилар.

Жонажон партиянинг оталарча йўл-йўриғига мувофиқ қўриқ ва бўз ерларга жўнаб кетган ёшлар вакилари бу жойларда илгаридан яшаб келаётган тажрибакор галлакорлар блан биргаликда, бутун совет халқининг қўллаб-қувватлаши блан 30 миллион гектардан ортиқ қўриқ ва бўз ерларни очдилар. Ватанимиз қўшимча равишда миллион-миллион пуд сара дон олди.

Эндиликда қўриқ ерларни очган ёшлар қилинган ишларнинг якунларини тўплаб, тажрибаларни баҳам кўриш, камчиликларни большевизмча ростгўйлик блан очиб ташлаш, ишга яна нима халақит бераётганлиги тўғрисида ва Коммунистик партия томонидан қўриқ ва бўз ерлардаги меҳнаткашлар олдига 1956 йилда қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қандай чораларни кўриш зарурлиги ҳақида сўзлаб бериш учун Москвага таклиф қилиндилар.

Қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган барча областларнинг мингдан ортиқ вакили эрта блан соат 10 да Кремльда СССР Олий Советининг Мажлислар залига тўпланди. Буерда трактор бригадаларининг бошлиқлари, тракторчилар, комбайнчилар, прицепщиклар, агрономлар ва зоотехниклар, қуручилар, совхоз ва МТСларнинг директорлари, комсомол ходимлари ва активлар ҳозир бўлдилар. Уларнинг кўплари ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Янги ерларни ўзлаштирганлик учун» значокларини, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчилари медальларини кўкракларига тақиб олганлар.

Кенгашни ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Совхозлар, Қишлоқ хўжалиги, Тайёрлаш, Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрликларининг топширувига мувофиқ ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Н. Шелепин** очди.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлаш тўғрисидаги таклифни гулдурос, давомли қарсаклар блан ма'қуллайдилар.

Кенгаш ишларининг кун тартиби тасдиқланади. СССР Совхозлар министри И. А. Бенедиктовнинг, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевичнинг докладларини ҳамда «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ва дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида комсомол ва ёшларнинг бундан кейинги вазифалари тўғрисида» ВЛКСМ Марказий Комитетининг докладини муҳокама қилишга қарор берилди.

Доклад қилиш учун СССР Совхозлар министри **И. А. Бенедиктовга** сўз берилади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, деди ўртоқ Бенедиктов, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида бутун халқимизнинг актив қўллаб-қувватлаши блан қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг буюк программасини муваффақиятли бажариш учун сабот блан курашмоқдалар. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш — ана шу программанинг жуда муҳим таркибий қисмидир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатнинг шарқий ва шарқи-жанубий районларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан берилган топшириқ бажарилганлиги тўғрисида Коммунистик партия Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, бутун халқимизга хурсандчилик блан хабар қилмоқдалар. Совхозлар икки йил мобайнида 13 миллион 640 минг гектар қўриқ ва бўз ерни ўзлаштирдилар. Янгидан 425 галла совхози ташкил этилди. Бу совхозлар кенг миқ'ёсда механикалаштирилган хўжаликлардир. Ана шу совхозларнинг ҳарбирида ўрта ҳисоб блан 20 — 25 минг гектар экинзор бор, ҳарбир совхозда ўрта ҳисобда 400 — 500 киши ишламоқда. Қозоғистон, Урал, Сибирь ва Поволжье даштларида обод совхоз посёлкалари вужудга келди. Бу посёлкаларда неча юзлаб уй-жой қурилди, зарур коммунал-маиший бинолар, галла омборлари барпо бўлди. Буларнинг ҳаммаси қўриқ ерларни ўзлаштириш учун ўз ихтиёрлари блан келган совет ватанпарварларининг қўллари блан вужудга келтирилди.

Янги ерларни ўзлаштираётган совхозларга Коммунистик партиянинг чақириғи блан 233 минг ишчи, қуручилар блан бирга эса 300 мингдан ортиқ киши келди. Кўнгиллиларнинг асосий қисми шаҳарлардан ва саноат марказларидан келди. Совет Армияси сафларидан бўшаган жангчилар зўр иштиёқ блан ишга киришдилар. Механизация ўқув юртлари кўпгина малакали ишчиларни тайёрлаб бердилар. Совхозларга 6 мингга яқин мутахассис юборилди.

Ана шу ташаббускорлар изгирин қиш фаслида, баҳорги лойқачилик шароитида, аҳоли яшайдиган пунктлардан неча юз километр нарида, уй-жой бўлмаган бир шароитда усальба марказларини қурабошлаш ва қўриқ ерларни очишга тайёргарлик кўриш даврида ёқ зўр сабот ва қаҳрамонлик блан меҳнат қилабошладилар. Қўриқ ерлар ўзлаштирилабошлаган 1954 йилдаёқ неча юз минг гектар янги ерга дон экилди. Олинган ҳосил қўриқ ерлар дон етиштиришни кўпайтиришнинг жуда катта манбаи эканлигига бўлган ишончни та'кидлади.

Ўтган йили об-ҳаво шароити жуда ноқулай келди. Лекин қўриқ ерларда ана шундай шароитда ҳам экидан ҳайдаб келинаётган ерлардагига нисбатан кўпроқ ҳосил олинди. Афсуски, ба'зи совхозларнинг раҳбарлари мамлакатга анча кўпроқ галла бериш учун мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланмадилар.

Илғорларнинг тажрибалари Партия ва Ҳукуматнинг асосий нарса кишиларга, раҳбарликнинг сифатига, ишнинг кўзини билишга боғлиқлиқ, деб берган кўрсатмаси тўғри эканлигини яна бир марта тасдиқлайди. Докладчи илғор хўжаликлар коллективларининг, чунончи Кўкчетов областидаги Жданов совхози, Красноярск ўлкасидаги Тюпский совхози, Олтой ўлкасидаги «Комсомольский» совхози ва бошқа совхозлар коллективларининг ишларидан мисол келтириб, буни яққол кўрсатиб берди.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида яхши ишлаганликлари учун 65 янги совхоз, юзларча бригада ва мингларча илғорлар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчилари қилиб тасдиқланди.

Давлат қўриқ ерларни ўзлаштириш учун қишлоқ хўжалигини ғоят унумли ишлайдиган энг янги техника блан кўп миқдорда та'минлади. Ана шу ерларни ўзлаштираётган совхозларгина 36 минг гусеничний трактор, 25 минг дон комбайни, 14 минг юк автомобили, кўп миқдорда қишлоқ хўжалик машиналари ва химиявий асбоб-ускуналар олди.

Докладчи партия XX с'езди Директивалари проектида кўп миқдорда капитал маблағ сарф қилишни талаб этмайдиган ва муттасил яхши ҳосил берадиган қўриқ ва бўз ерларни тобора ўзлаштириш зарур эканлиги тўғрисида кўрсатма борлигини та'кидлаб ўтди. Бу чора Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифани, я'ни ялпи дон ҳосилини 11 миллиард пудгача етказишдан иборат улуғвор вазифани амалга оширишга ёрдам беради.

СССР қишлоқ хўжалик министри **В. В. Мацкевич** айтадики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун бирқанча муҳим тадбирларни амалга ошдирилар. Бунинг натижасида 1955 йилда колхоз ва МТСлар дон, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирдилар.

Докладчи дон етиштиришни кўпайтиришда маккажўхори катта аҳамиятга эга эканлигини, янги районларда, хусусан қўриқ ерлари ўзлаштирилаётган районларда маккажўхорининг аҳамиятига ҳали етарли баҳо берилмаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Ҳолбуки маккажўхори етиштирилганлиги орқасида ўтган йили мамлакатда ҳарбир сигирдан олинган сут 187 килограмм ортди, кўпроқ гўшт тайёрлаш имконияти туғилди.

Ўртоқ Мацкевич қўриқ ерлар дон етиштиришни кўпайтиручи энг муҳим резервдир, дейди. МТСлар икки йил ичида 17,9 миллион гектар қўриқ ерларни очдилар. 1954 йилдаёқ Сибирь районларида 1953 йилдагига нисбатан икки баравар кўпроқ галла, Олтой ўлкасида эса қарийб тўрт баравар кўпроқ галла олинди.

Сўнгра, докладчи Партия ва Ҳукуматнинг қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган районларда зарур уй-жой, маиший ва маданий шароит вужудга келтиришга жуда катта аҳамият бераётганликларини та'кидлайди. 1954 — 55 йилларда қўриқ ерлари ўзлаштирилган районларда МТСлар ташкил этиш учун давлат томонидан 2,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Икки йил мобайнида 400 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Янги бешйилликда салкам 1,5 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиши керак.

Ўртоқ Мацкевич кўкламги экиш ишларига тайёргарлик кўриш масалаларига кўпроқ тўхталиб ўтди. Ҳозирги вақтда қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган районлардаги кўпгина МТСлар машиналар ремонтини тамомламоқдалар. Ана шу МТСларнинг кўпчилиги тракторларни ва экиш машиналарини партиянинг XX с'ездигача ремонтдан чиқариш мажбуриятини олди. Меҳнат унумдорлигини ошириш кўкламги экиш ишларининг ҳаммасини ўз вақтида ўтказиш учун ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Сеялкалар бирор минут ҳам бекор турмасин. Трактор бригадаси олдига қўйилаётган асосий талаб шу.

Ўртоқ Мацкевич докладининг охирида КПСС XX с'езди Директивалари проектида қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни характерлаб берди ва партия с'езди шарафига ўтказилаётган умумхалқ мусобақасида ёшларнинг роли катта эканлигини та'кидлади.

Шундан кейин ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. Н. Шелепин** доклад қилди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш, деди у, комсомолнинг, барча совет ёшларининг шонли ишлари йилномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Бир миллиондан кўпроқ йигит ва қиз қўриқ ерларга юборишни сўраб комсомол комитетларига ариза берди. Совет ёшларининг алоҳида хислатлари — Ватанга, халққа муҳаббат, Коммунистик партиянинг ишига чексиз садоқат хислатлари ана шу ватанпарварлик ҳаракатида жуда яққол кўринди.

Янги ерларга, деди докладчи, продаси мустаҳкам кишилар келди. Улар қийинчиликлардан қўрқмадилар. Ёшлар қўриқ ерларни ўзлаштириш учун курашда чинакам ҳаёт мактабидан, коммунизм мактабидан ўтмоқдалар. Бу ерда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг янги моҳир усталари ўсиб етишди. Улардан 9 мингдан ортиқ киши ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Янги ерларни ўзлаштирганлик учун» значоги блан мукофотланди, 5 минг киши Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашди.

Ўртоқ Шелепин биринчи кунлардаёқ социалистик мусобақани қучайтириб юборган янги хўжаликларнинг фидокорона меҳнатига доир мисоллар келтиради. Ўтган йилнинг бир ўзидагина 8 минга яқин трактор бригадаси ва трактор-далачилиқ бригадалари ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида биринчи ўринни олиш учун курашди. Қустанай область Жаркўл МТСида Иван Рудский бошлиқ бригада шуҳрат қозонишга сазовор бўлди. Бу бригада салкам уч минг гектар қўриқ ерни ҳайдаб, мўл ҳосил етиштирди. Ўтган йил тракторчилар тупроқни Т. С. Мальцев методи блан ишлаш усулини қўллашдилар.

Кўкчетов областидаги «Целинний» совхозида И. Ульянов бошлиқ ёшлар бригадаси, Олтой ўлкасидаги Табунский МТСида В. Тараги бошлиқ бригада, Ғарбий Қозоғистон областидаги Семитлаво-Марский МТСида Л. Дануц бошлиқ бригада, Красноярск ўлкасидаги «Борец» совхозида Ф. Карачинцев бошлиқ бригада, Омск областидаги «Цветочний» совхозида П. Сергеев бошлиқ бригада, Саратов областидаги «Белополье» совхозида Н. Грачиха бошлиқ бригада ва бошқа кўп бригадалар механизаторларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришдилар. Бундай кишилар ҳарбир совхозда, ҳарбир колхоз ва МТСда бор.

Докладчи КПСС XX с'езди Директивалари проектида олдимизга қўйилган вазифаларга тўхталиб, давлатнинг манфаатларини ва инобатини, кўчиб келган янги хўжаликларнинг манфаатларини кўзлаб ташаббус кўрсаталиган, янги резерваларни топиб, улардан моҳирлик блан фойдаланадиган комсомол ташкилоти қандай ишларни қилаолишини яққол кўрсатиб берди.

Ташаббускор ёшлар, деди Ўртоқ Шелепин, шарқий районларга меҳмон бўлиб эмас, балки доимий истиқомат қилиш учун бордилар. Дастлабки даврда улар қийинчилик кўрдилар, ҳамманарсани янгидан вужудга келтириш керак эди. Улар қийинчиликларга сабот блан бардош бериб, комсомол ва ёшларнинг шуҳратини оширдилар. Икки йил мобайнида дашт жойларда обод посёлкалар вужудга келди,

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Тошкент область VIII партия конференциясида сайланган Ўзбекистон КП область комитетининг состави

ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ А'ЗОЛАРИ

АБДАЛИН А. С.
АБДУЛЛАЕВ Ғ.
АБДУРАЗЗОҚОВ М. А.
АЛИМОВ О.
АКОПОВ А. И.
АКРАМОВ К. А.
АРНАУТОВ И. Р.
АФОНИНА С. И.
АКРАМОВ А.
АШУРАЛИЕВ Т. А.
АНИСИМКИН И. Г.
АМИНОВ У.
АНДРИАНОВА Л. П.
АЗИМБОЕВА Т.
АБДУШОҲИДОВ А.
АЛФИМОВ Г. Л.
БАТИГИН А. Г.
БРАТЕРСКИЙ И. Д.
БУХОРОВ С.
БЕГЛОВ М. Д.
БИРЮКОВ И. М.
БОБОЕВ Ф.
БРОДОВА А. И.
БУРНАШЕВ И. И.
БРУХТИЙ А. Д.
БЕКАЕВ К. Н.
ВАСИЛЬЕВ М. А.
ВИХРОВ В. И.
ВОВНЯКОВ А. Т.
ВОЛКОВ Г. И.
ГОРБУНОВ В. П.
ГАБРИЗЛЬЯНЦ Г. А.
ГОСТЕВ А. Г.
ҒУЛОМОВ М.
ҒУЛОМОВ Р.
ҒАНИЕВ М. Ғ.
ЕСЕНБОЕВ З. И.
ЕРШОВА Е. М.
ДУБРОВШЧЕНКО А. И.
ЖАЛИЛОВ Х. Д.
ЖАМОЛОВА З. М.
ДАНИЛИН К. В.
ЗАВЬЯЛОВ А. З.
ЗЕМЛЯНКИН В. А.
ИБРОҲИМОВ Й.
ИСҲОҚОВ И.
ИСЛОМОВ Ш.
ИБРОҲИМОВ Й. И.
ИСАМУҲАМЕДОВ Ш. С.
ЭШОНХУЖАЕВ Б.
ИБРОҲИМОВ И.
КАМОЛОВ С.
КИМ ПЕН ХВА
КАРИМОВ И. И.
КЕНЖАЕВ У.
КОЛЕСНИКОВ В. И.
КОЛДАЕВ А. А.
ҚУЧҚОРОВ А.
КЛИМИНА Е. В.
КОЛОМЕЙЦЕВ А. В.
КИМ Д. А.
ЛЕБЕДКОВ А. Д.
ЛЕЗОВСКИЙ А. С.
ЛАТИПОВ Х.
ЛУХМОНОВ В. И.
МАНГЕЛЬДИН Д. И.
МАҚСУДОВ М.
МАННОНОВ Н.
МАНГУТОВ Н. М.
МЕЛЬНИКОВ Р. Е.
МИРХОНОВ А.
МАРКОВ Я. В.
МАЖИДОВ Ғ.
МУҲАМЕДОВ И.
МОЛЧАНОВ Д. М.
МИРДАДАЕВ А.
МУҲАМЕДОВ И. Ф.
МУСАЕВ С.
МУСАХОНОВА Х. Р.
МАҲКАМОВА Қ.
МУСАЕВ У.
МУҲИДДИНОВ Н. А.
МЕШКОВ А. В.
МИРЗАБЕКОВ Б. Г.
МУСАХОНОВ М. М.
МАТВЕЕВ Б. Н.
МАШКОВ Н. П.
МУҲАМЕДОВ В. М.
НАБИЕВ И. А.
НАЗАРЬЯНЦ Л. О.
НОЖЕНКИН В. П.
НОРМУҲАМЕДОВ М.
НУРИДДИНОВ С.
НУРАЛИЕВ А.
НУРИДДИНОВ С.
НУРМУҲАМЕДОВА К. Ф.
НОВОСЕЛЬЦЕВ П. А.
ОРТИКОВ А.
ПОПОВ Б. В.
ПОЖАРОВ Л. Ф.
ПАРАМОШКИН И. М.
ПЛАТОНОВ Н. М.
ПАВЛОВА В. И.
ПАК В. И.
ПОЛВОНОВ И. А.
ПИТЕЛОВА А. С.
ПОЛЕТАЕВ С. И.
ПОКЛОНСКИЙ П. С.
ПЕТРИКИН В. Х.
ПОПОВ В. А.
РАШИДОВ Ш. Р.
РОМАНОВСКИЙ В. М.
РАСУЛЕВ А. Р.
РАЖАБОВА М. Р.
САЛОМОВА Ш. З.
СЕРГЕЕВА К. А.
СОЛИМУҲАМЕДОВ С.
СЕРГЕЕВА А. К.
СВЕТЛЕНКО Г. Г.
СТАЖИЛО А. Л.
СЕРГЕЕВ П. И.
СТИКАИЛО В. Н.
САЗОНОВ П. М.
СКЛЯРОВ А. Н.
СТЕПОВАЯ В. С.
СУКАЧ И. Ф.
САВЧЕНКО П. К.
САВИН И. М.
СЕВУМЯН А. А.
ТОЛИПОВ Ғ.
ТУРАБЕКОВ К.
ТКАЧЕНКО В. К.
ТОШПУЛАТОВА К.
ТОҲИРОВА Т.
ТОЖИЕВ М. Т.
ТУРСУНОВ М.
ТЕНИШЕВ А. С.
УКУБОЕВ К.
УСМОНОВ А.
УМАРОВ Т. М.
ФЕДОРОВ В. И.
ФЕДОТОВ П. П.
ХУЖАЕВ Ф.
ҲАЙДАРОВ В.
ХОРЕВ Г. К.
ХОМИЧ И. П.
ЧЕРНИКОВ Н. А.
ЧЕРНОУСОВ С. И.
ШМЕЛЕВ Д. И.
ШОИСЛОМОВ Ш.
ШКУРАТОВ А. И.
ШИБАЛИН И. А.
ШАЙХОВ З. Т.
ШЧЕРБАКОВ А. В.
ЗЛЬЧИБЕКОВ Я. К.
ЮНУСОВ И.
ЙЎЛДОШЕВА М. Ю.

ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ А'ЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

АЛЕКСАНДРОВ М. В.
АГАПОВ А. Ф.
АБУЯНЧИКОВ Б. П.
АБДУЛЛАЕВ С.
АБЗАЛОВ А.
АКРАМОВ И.
ҒАНИЕВ С. Ғ.
ГУДОВИЧ А. А.
ҒУЛОМОВ А. Ғ.
ҒОФУРОВ К.
ДЕРИГЛАЗОВ Л. П.
ИЛЬИН А. В.
ИВАНОВ М. Т.
КОВЕШНИКОВ С. С.
КОЛМАЦКИЙ С. К.
ЖАРИКОВА Л. И.
ҚОБИЛОВ Х.
КИМ М. В.
ҚУРБОНГУЛОВ Х. И.
ЛИСИН В. Д.
МУҲИДДИНОВ Ф. И.
МАЙСУПОВ А.
ОСИПОВА А. А.
РАҲИМОВ У.
РИБАЛКО И. П.
РАҲИМОВ Б.
РАУФОВ М.
СМИРЕЙЧИК Н. Д.
СКОПЦОВ Г. Н.
СЛИВКИН Л. З.
СОДИҚОВ С. С.
ТУДАКОВ Ю. А.
УСМОНОВ Р.
ҲОШИМОВ Б. И.
ХУСНИДДИНОВ И. К.
ШАМСИЕВ С.
ЯРИГИН М. А.

ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИНИНГ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ

АБРОЛОВ Т.
БОЛТАБОЕВА Б.
ЕРМОШКИН П. Т.
ЭРМАТОВ Н. Х.
ИСМОИЛОВ Ш.
КРАВЧЕНКО А. К.
КАМОЛОВ М.
ҚИРҒИЗБОЕВ Н.
ЛОГВИНОВ Г. П.
МАТВЕЕВ Б. Г.
РИБАЛКО В. И.
РАХМАТУЛЛАЕВ А.
СЕРГЕЕВА А. Ф.
СЕНЧУК И. А.
СУЧКОВ В. Д.
СТРАХОВ И. В.
ТУРКОВА Н. Н.
ЦВЕТКОВА Т. Е.
ЮСУПОВА А. У.

ҚОЗОҒИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ОЛМАОТА, 21 январь. (ТАСС). Қозоғистон ССР Олий Советининг сессияси бугун ўз ишини тамомлади. Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги қардош Ўзбекистон республикасининг делегацияси қатнашди.

Қозоғистон ССРнинг 1956 йилги давлат бюджети ҳақида республика молия министри депутат У. Д. Отамбоев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда 23 депутат қатнашиб, республика бюджетини якдиллик блан ма'қуллади.

Сессия Қозоғистон ССРнинг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисида қонун қабул қилди. Бюджет даромадлар бўйича 8.867.369 минг сўм, ҳаражатлар бўйича 8.766.410 минг сўм қилиб тасдиқланди.

Сессия Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ва Мирзачўл территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга топшириш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Қозоғистон ССР Олий Совети Қоз

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда намуна кўрсатган комсомол ва ёшлар кенгашининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

ҳозирги вақтда совхозларнинг деярли ҳаммаси электрлаштирилган ва радиолаштирилган. Қўриқ ерларда тузилган бинокорлик ташкилотларига 1955 йилда 100 минг йигит ва қиз юборилди. Москва, Ленинград, Минск, Харьков, Краснодар, Олмаота ва бошқа шаҳарлардан келган ёшлар қисқа вақт ичида бинокорлик ихтисосларини эгаллаб олдилар. Ўртоқ Шелепин эришилган муваффақиятларни кўрсатиш блан бирга, ёш биноворларнинг меҳнатини ва дам олишини уюштиришда бирқанча камчиликлар борлигини уқтириб ўтди. Ўртоқ Шелепин турмуш масалаларига, кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берди.

Ишчиларни уй-жой блан таъминлашда партия ташкилотларига, совхоз ва МТС-ларнинг раҳбарларига амалий ёрдам бераётган ва ҳарбир кишининг тақдирига эътибор блан қараётган комсомол ташкилотлари оз эмас. Афсуски, деди Ўртоқ Шелепин, бепарволик қилаётган, ёшларнинг меҳнатини ташкил этиш, савдо-сотиқни ва умумий овқатланишни яхши йўлга қўйиш масалаларига эътибор бермаётган ҳамда янги хўжаликларнинг эҳтиёжларига бюрократларча муносабатда бўлиш ҳолларига қарши курашмаётган комсомол ташкилотлари ҳам бор.

А. Н. Шелепин кенгаш қатнашчилари номидан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтдики, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда қаҳрамонларча ишлаётган комсомол ва ёшлар Коммунистик партия томонидан қўйилган вазифаларни бундан буён ҳам шараф блан бажарадилар.

Шу блан эрталабки мажлис ёпилади.

* * *

Кечки мажлисда раислик қилган ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **В. Е. Семичастний** кенгаш номига табрик телеграммалари олинганлигини, шу жумладан Антарктида қиргоқларига бориб етган «Лена» дизель-электроходидаги Антарктика экспедициясида қатнашучи ёшлардан, шунингдек Қозоғистон ва Олтойдаги янги хўжаликларнинг бир группа ёшларидан табрик телеграммалари олинганлигини билдирди.

Акмолинск область Ново-Рибинск совхозидаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи **Анатолий Малишев** минбарга чиқди. Анатолий Малишев ва у бошчилик қилаётган бригаданинг аъзолари бундан атиги ўн ой илгари Қозоғистоннинг қўриқ ерларига келган эдилар. Аммо, шу вақт ичида кўп иш қилинди. Нотиқ минг гектарлаб қўриқ ер очилганлиги тўғрисида, сут-товар фермаси ва паррандачилик фермаси ташкил этилганлиги ҳақида фахр блан сўзлайди. Совхозда маҳаллий бинокорлик материалларидан яхши фойдаланилмоқда. Ишчилар йирик блокли somon ва қамиш питалар тайёрладилар.

— Аммо, — деди нотиқ, — ишимизда муваффақиятлар бўлиши блан бирга, совхез ишлабчиқаришини ташкил этишда, кўчиб келган хўжаликларнинг меҳнатига, жумладан, трактор бригадалари бошлиқларининг меҳнатига ҳақ тўлашда ҳали кўп камчиликлар бор.

Кенгаш қатнашчилари Ключевский МТСи тракторчиси **Павел Монастирев**нинг Олтойдаги қўриқ ерларда янги хўжаликларнинг дастлабки ишлари тўғрисида айтган гапларини завқ блан тингладилар. У гапирган нарсалар бепоён ерларда меҳнат қувончини татиб кўрган ҳарбир кишига яқин ва тушунарли эди. Монастирев тракторга биринчи марта миниб, қўриқ ерни қандай очганлигини, хотини блан бирга-ликда янги бутдойдан нон ёпганлигини, оила учун сотиб олинган сигирни биринчи марта соғиб сут олиш қандай ташвишли бўлганлигини абадий эсидан чиқармайди.

— Ҳамма нарсани,—деди П. Монастирев, — янгидан бошлашга тўғри келди.

У, билим ва техникани эгаллаб, шу ердаги кишилардан таъ'лим олиб, ўртоқлари блан бирга-ликда катта муваффақиятларга эришди. Монастирев «универсал» трактор-да ёз фаслида 930 меҳнат куни ишлади. Ҳайдаб экин экилган участкада маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди — ҳар гектар ердан 30 центнер сўта ва 150 центнер поя олинди. Монастирев эришган муваффақиятлари учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланди.

Павлодар областидаги қурилиш участкаларидан бирининг бошлиғи **Г. А. Руткин** шу участкадаги ишчиларнинг ҳаёти ва ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

Янги хўжаликлар дўст ва аҳил оила бўлиб яшамоқдалар. Семипалатинск областидаги Маханчинский совхозининг комбайнчиси **Владимир Иванов** ана шундай коллективларнинг бири тўғрисида гапирди.

Кечки мажлисда Чкалов областидаги Ириклин совхози трактор бригадасининг бошлиғи **Алексей Жерноклеев,** СССР Министрлар Совети ҳузуридаги меҳнат резервлари бош бошқармасининг бошлиғи **Г. И. Зеленко,** Челябинск областидаги «Заозерний» совхозининг бош агрономи **В. Р. Серебряков,** Қараганда областидаги Пржевальск совхози трактор бригадасининг бошлиғи **Виктор Турцевлар** ҳам сўзладилар.

21 январьда кенгаш ўз ишини давом этдиради. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ М. МИРЗААҲМЕДОВни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўртоқ Мансур **Мирзаахмедов** Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 21 январь.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ И. В. Бабковни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўртоқ Игорь Васильевич **Бабков** Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин ва Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 21 январь.
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ЛКСМ XV с'езди

20 январьда Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театрида Узбекистон ЛКСМ XV с'езди очилди.

С'ездга 600 дан кўпроқ делегат келди. Улар орасида саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторлари, инженерлар, техниклар, илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг студентлари ва ўқучи ёшлар, комсомол ходимлари, Совет Армияси жангчилари бор.

С'езд президиумига Н. А. Муҳиддинов, С. Камолов, Р. Е. Мельников, М. Абдуразоқов, А. А. Лучинский, Ҳ. Муҳиддинова, О. Алимов, А. П. Бизов, С. Нуриддинов ўртоқлар, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Рапохин, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарьлари Муртазаев, Юрковский, Муқимжонова ўртоқлар, Норпой районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Аминова, Узбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг секретари ўртоқ Кенжаев, Маргилон ипакчилик комбинатининг тўқучиси ўртоқ Позднякова, Косонсой районидаги Дзержинский номли колхознинг сут соғучиси ўртоқ Қосимова, Мирзачўл районидаги 2-нчи сон мактабнинг а'лочи ўқучиси ўртоқ Шокирова ва бошқалар сайланди.

Узоқ давом этган қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетининг Президиуми с'езднинг фахрий президиумига сайланади.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазаев Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Докладчи қайд қилиб ўтдики, республика комсомол ташкилотларининг ҳисобот давридаги бутун фаолияти КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ҳамда ВЛКСМ XII с'ездининг қарорларини амалга оширишга қаратилган эди. Партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида республика комсомоллари ва ёшлари қўпгина халқ-хўжалик вазифаларини ҳал этишда актив қатнашдилар, саноат, транспорт, қурилиш индустриясини ривожлантириш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Чирчиқ электрохимия комбинати, Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, Маргилон ипакчилик комбинати ва бошқа кўпгина корхоналарнинг комсомол ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, ишлабчиқаришнинг ички резервларини топиб, уларни ишга солиш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқдалар. Кўпгина комсомол ташкилотлари, жумладан, Узбекистон ЛКСМ Олмалиқ шаҳар комитети темирбетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилишини оталикка олдилар. «Узбексельмаш», «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш» заводларининг ёш ишчилари пахтачилик учун янги техника ишлаб чиқаришни муваффақиятли суратда ўзлаштириш учун кураш ишига катта ҳисса қўшдилар.

Самарқанд ва Қашқадар'ё областьларида 20 мингдан ортиқ колхозчи йигит ва қизлар Эски Ангор суғориш каналн қурилишида қатнашдилар. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ бу канал Узбекистон Ленинчи комсомоли номига қўйилди.

Республиканинг юзларча колхоз ва совхозлари ўтган йилда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта топшириш планини муваффақият блан бажардилар. Комсомол ташкилотлари пахта етиштиришнинг янги прогрессив агротехника методларини пропаганда қилиш ва жорий этишда, кадрлар тайёрлашда актив қатнашдилар. Андижон, Фарғона, Наманган областьлари ва бошқа областьлардаги қишлоқларнинг меҳнаткаш ёшлари колхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Ишлабчиқаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун республиканинг уч мингдан кўп йигит ва қизлари ВЛКСМ Марказий Комитети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофатландилар.

Броқ, кўпгина комсомол ташкилотлари саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортни янада юксалтириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишдан ҳали ҳам бўлса четда турибдилар. Республикада тарбиявий ишлар, айниқса ўзбек қизлари ўртасида тарбиявий ишлар ҳали ҳам бўлса сust қўйилган.

Докладчи коммунистик қурилишнинг партия XX с'езди Директивалари проектида белгилаб берилган улуғвор программаси муносабати блан халқ хўжалигини янада юксалтириш учун ёшларнинг социалистик мусобақасини ташкил этиш соҳасида Узбекистон комсомолларининг вазифаларига муфассал тўхталди. Комсомоллар партия XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, партия ва совет ташкилотларига колхоз ва МТСларни зарур миқдорда техника блан та'минлашда, квадрат-уялаб экиш усулини эгаллаган селякчи кадрларни тайёрлашда ёрдам кўрсатишлари лозим.

Докладчи комсомол изорифи шохобчаларининг ишидаги жиддий қамчиликлар борлигини кўрсатиб ўтди, студент ёшлар ўртасидаги сиёсий ишларнинг аҳволини анализ қилиб берди.

Правардида ўртоқ Муртазаев республика комсомоллари ва ёшлари жонажон Коммунистик партиянинг ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, фан ва маданиятни янада юксалтириш вазифасини муваффақиятли равишда бажарадилар, деб ишонч билдирди.

С'езд делегатлари ревизия комиссиясининг докладини ҳам тингладилар. Бу ҳақда ревизия комиссиясининг раиси Т. И. Шчербаков доклад қилди.

Докладлардан кейин қизғин музокаралар бошланди.

Андижон область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдуллаевга сўз берилади. У, область комсомол ташкилоти партия ташкилотининг раҳбарлиги остида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида бирмунча ишлар қилганлигини айтди. Колхозчи ва механизатор ёшлар область қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг асосий тормоғи — пахтачиликни янада юксалтириш учун кураш ишига анча ҳисса қўшдилар. Юзларча комсомоллар далачилик ва трактор бригадаларига, звеноларга бошчилик қилдилар, пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Сўнгра ўртоқ Абдуллаев Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетини, жумладан мактаб ва ўқучи ёшлар бўлимини ҳамда пропаганда ва агитация бўлимини идеология ишларини бўшаштириб юборганликлари учун кескин танқид қилди.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети комсомол комитетининг секретари ўртоқ Куценко Узбекистон олий ўқув юртларида ёш мутахассислар тайёрлаш ишини яхшилаш зарурлиги ҳақида гапирди. Бу участкада ҳамма ишларни ҳам яхши деб бўлмайди. Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети эса олий ўқув юртларининг ишидаги бу нуқсонларни бартараф қилиш учун чоралар кўрмаётир.

Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сеитмуродов комсомол кадрларни тайёрлашдаги камчиликларга тўхталиб ўтди. Комсомол ташкилотларининг секретарьлари орасида катта қўнимсизлик юз бермоқда.

Маргилон ипакчилик комбинати комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Анисимов комбинат комсомоллари ва ёшларининг меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида гапирди. У Маргилон шаҳар комсомол комитети, Фарғона область комсомол комитети, ҳамда Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбарлик стилини танқид қилди.

Тошкент область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Скопцов Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш ишидаги катта камчиликларини айтиб берди.

Докладлар юзасидан музокараларда Туркистон Ҳарбий Округининг қўмондони ўртоқ Лучинский, Чортоқ районидаги «Москва» колхози комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамзаев, шоир Ғафур Ғулом, Узбекистон ССР Маданият министри ўртоқ Қўчқоров ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

Узбекистон ЛКСМнинг XV с'ездида 21 январь куни докладлар юзасидан музокаралар давом этди.

Бухоро область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Бобоев** Бухоро областининг ёшлари ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлардаги камчиликлар ҳақида гапирди ва бошланғич комсомол ташкилотларига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлиги учун комсомол Марказий Комитетини танқид қилди. Бухоро области ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармади. Бунинг учун комсомол ташкилотлари ҳам айблидирлар, чунки улар ёшларни пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашга сафарбар қилаолмадилар, шунингдек комсомол Марказий Комитетининг раҳбарлик стилида канцелярячилик, бюрократизм каби зарарли методлар ҳали ҳам бор. Марказий Комитет ходимлари областьга борган вақтларида ёшларнинг ҳаёти ва ишлари блан кам қизиқадилар.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси ўртоқ **Исмоилов** ёшларни физкультурачилар сафига кенг жалб қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди. У, СССР халқлари спартакиадасига қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганлиги учун Андижон, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Наманган область комсомол комитетларини танқид қилди. Спортнинг етти тури бўйича командалар шу вақтгача тўла равишда комплектлаштирилмаган. Республикада маҳаллий миллат қизларини физкультура коллективларига тортиш иши айниқса ёмон аҳволдадир. Масалан, Самарқанд областида физкультурачиларнинг атиги 3 процентини ўзбек қизлари ташкил этади.

Самарқанд область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Аслиддинова** мактабларни политехнизациялаш масаласига тўхталди. Музокараларда сўзга чиққан Узбекистон ССР Маориф министри ўртоқ Қодиров, деб кўрсатди у, мактаб ўқучиларига политехнизация та'лими бериш соҳасидаги ишларнинг аҳволини мактаб гапирди. Лекин кўпгина мактабларда бу муҳим вазифани ҳал этиш учун ҳали жуда оз иш қилинган.

Қашқадар'ё область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Саматов** ўз сўзида қишлоқ жойларида мактаблар қурилишига Узбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан қониқарсиз раҳбарлик қилинаётганлиги ҳақида гапирди. Бу камчиликлар учун ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлардаги бошқа камчиликлар учун комсомол ташкилотлари ҳам, даставвал, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети айблидир.

С'ездда Узбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Р. Е. Мельников нутқ сўлади. Ўртоқ Мельников Узбекистон ленинчи комсомолининг XV с'езди мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи бешиллик плани юзасидан Коммунистик партия XX с'ездининг Директивалари проекти муносабати блан сиёсий руҳ ва меҳнат ғайрати ғоят ошган вазиятда ўтаётганлигини та'кидлаб, ёшларнинг Директивалар проектида кўзда тутилган улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарурлиги тўғрисида гапирди.

Сўнгра, ўртоқ Мельников 1956 йилда чигит экишга тайёргарлик кўриш соҳасида комсомолларнинг вазифаларига тўхталди. Бу йил республика колхозлари ва совхозлари ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан 23 центнердан пахта етиштиришлари ва давлатга топширишлари, жам'и бўлиб эса 1955 йилдагидан 500 минг тонна кўп пахта етиштиришлари ва давлатга топширишлари лозим. Пахта етиштиришнинг ва ҳосилни оширишнинг бундай катта миқ'ёда ўсишини та'минламоқ учун квадрат-уялаб экиш усулини кенг жорий қилиш, илғор агротехникани кенг қўлланиш керак, бу ишда комсомоллар ва ёшлар қизғин иштирок этишлари лозим.

Ўртоқ Мельников Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ишонч билдириб айтдики, Узбекистон комсомоли ўз ишларидаги камчиликларни йўқотиб, республика олдида турган хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда партияга яқиндан ёрдам беради.

Музокараларда Наманган область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Отобаев,** Косонсой район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Каримов,** Сурхондар'ё область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қодиров** ҳам сўзладилар.

Мажлис охирида ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Рапохин** сўзлади. У, барча ёшларни коммунистик қурилиш ишига, жумладан, халқ хўжалигини юксалтириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга жалб қилиш юзасидан республика комсомоллари олдига бирқанча вазифаларни қўйди.

С'езд якдиллик блан қабул қилган резолюцияда Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ишини қониқарли деб топди ва Узбекистон комсомолининг ташкилотчилик ва идеология ишларини яхшилаш тадбирларини белгилади.

С'езд Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг янги составини ва Марказий ревизия комиссиясини сайлади.

* * *

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг XV с'езди томонидан сайланган пленуми бўлди. Пленум комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ **Қ. Муртазаевни,** иккинчи секретари қилиб ўртоқ **В. М. Юрковскийни,** Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарьлари қилиб **М. Иброҳимов, А. Акромов ва Б. Мираҳмедова** ўртоқларни сайлади.

Узбекистон ЛКСМ ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўртоқ **М. Я. Буреш** ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

21 январьда Узбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ташкилий масалани муҳокама қилди.

Депутат Р. Ғ. Ғуломовнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати блан сессия уни меҳнаткашлар депутатлари Шаҳар Совети ижроия комитетининг раислиги вазифасидан озод қилди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб бир овоздан М. Т. Турсунов сайланди. (ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН

Илмий ходимлар блан ижодий ҳамкорликда

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида социалистик саноат ишлабчиқариш даражасини тез сур'атлар блан ошириш лозимлигини алоҳида уқдириб кўрсатди. Бунга эришиш учун ишлабчиқариш блан фан ходимлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни ҳартарафлама мустаҳкамлаш ва бу ҳар икки кучни техниканинг шу кундаги асосий масалаларини ҳал этишга сафарбар қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳамкорлик техникани янада тараққий этдириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида ҳал қилучи фактор бўлмоқда. Буни бизнинг завод коллективи блан Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ўртасидаги ижодий ҳамкорлик мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Заводимиз инженер-техниклари ва новатор ишчилари бу институт блан бирнеча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келади. Хўш, бу ҳамкорлик нималар бермоқда, унинг ҳар икки томонга қандай фойдаси бор?

Бир жумла блан айтганда, институт ходимлари бизга иш процесси давомида тез-тез пайдо бўлиб турадиган, аммо ўз кучимиз блан ҳал қилаолмайдиган практик масалаларни тез, тўғри ва қулай ҳал этишда самарали ёрдам кўрсатмоқдалар. Бунга бирнеча мисоллар келтирамиз.

Институт электротехника кафедрасининг доценти ўртоқ С. Коц ва завод электроцехи ходимлари бирга-ликда ишлаб, корхонадаги электр установкаларнинг фойдали иш коэффициентини оширишни та'минлайдиган бирнеча комплекс тадбирлар ишлаб чиқдилар. Улар қувватидан тўла фойдаланилмайдиган моторларни статик конденсаторлар ва фазали компенсаторлар блан ускуналаш, пайвандлаш машиналарига махсус мосламалар ўрнатиш йўллари блан электр установкалар қувватининг коэффициентини 0,65 дан 0,95 га оширдилар. Натижада электр цехи олдин цехлараро мусобақада орқада қолиб келган бўлса, энди илғорлар қаторига етиб олди, цехда давлат планлари ошириб бажарилдиган бўлди.

Ўртоқ Якобсон мудирлик қилаётган физика кафедрасининг илмий ходимлари завод лабораторияси ходимлари блан бирга, қора ва рангли металларни спектраль анализ қилиш методини ишлабчиқаришга жорий қилдилар. Шу хилдаги металлар таркиби илғарилари химик усулда анализ қилинганида бирнеча соатда аниқланган бўлса, эндиликда 2—3 минутдаёқ белгиланмоқда. Заводимиз асбобсозлари ва технологлари спектраль анализнинг афзаллигини тажрибада синаб кўргач, пўлатни сортларга ажратиш, пўлат чиқиндиларидан турли асбоблар қуйиш ишларига ҳам бу методни татбиқ этдилар. Бу янгилик асбоб тайёрлаш учун сарф этиладиган қимматли металл — пўлатни кўплаб тежаб қолиш имконини берди.

Шунингдек, институтнинг металлар технологияси (кафедра мудири профессор А. Троицкий) ва ремонт заводлари (кафедра мудири доцент Д. Перельман) кафедраларининг яқиндан кўрсатган амалий ёрдами туфайли заводимиздаги вагранкалар модернизация қилинди, чўянни ферросилиций блан модификациялаш, қозонларни эритма қуйиш усули блан изоляция қилиш, вагон ва паровоз гилдиракларн гардишини икки электрода флюслаш воситаси блан автоматик равишда эритиш каби прогрессив технология жорий қилинди. Натижада қуйилма сифати яхшиланди, ҳарбир қозонни изоляция қилиш таннархи 600 сўм камайтирилди ва ҳоказо.

Ҳаммадан қувончлиси шуки, биз ишлабчиқаришни янада кенгайтириш, цехларни реконструкция қилиш, янги ускуналар ўрнатиш, прогрессив технологияни қўлланиш юзасидан белгиланган план ва тадбирларимизни институт кафедраларига кўрсатганимизда, кафедра ходимлари сра вақтларини аямай бу тадбирларни илмий нуқтаи назардан синчиклаб кўриб чиқадилар, кўпинча уларга муҳим тузатишлар киритадилар, ўз танқидий мулоҳазаларини айтадилар. Бу жиҳатдан қуйидаги факт характерлидир.

Ма'лумки, яқин йиллар ичида Ўрта Осиё ва Қозоғистон темир йўлида қатнайдиган поездларнинг деярли ҳаммасини тепловоз блан бошқаришга ўтилади. Шунга биноан бизнинг заводда тепловоз ремонтини кучайтириш планлаштирилган. Бунинг учун заводнинг асосий цехларини реконструкция қилиш талаб этилади. Проект ташкилоти томонидан бизга тақдим этилган реконструкция плани завод техника советида муҳокама қилиниб чиққач, институтга кўрсатилди. Институтнинг илмий ходимлари бу проектни ҳартарафлама кўриб чиқдилар ва бирқанча танқидий фикрларни айтдилар. Бу мулоҳазалар проект сифатини яхшилаш, реконструкция ишини тезлаштириш имконини беради.

Ремонт заводлари кафедраси эса заводни реконструкция қилиш пайтида ишлабчиқаришни тўхтатмаслик, я'ни реконструкция қилишни ҳам, маҳсулот ишлабчиқаришни ҳам параллель олиб бориш тадбирларини ишлаб бермоқда. Бу кафедранинг илмий ходимлари ва механика факультетининг юқори курс студентлари паровоз қисмлари ва узелларини ремонт қилишда илғор технологияни ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий этишда бизга катта амалий ёрдам бераётирлар.

Бизнинг ҳамкорлигимиз шу жиҳатдан характерлики, завод ва институт вакиллари ҳар йили бирга-ликда иш плани тузиб, шу план асосида ишлайдилар. Планга ҳар икки томон учун муҳим, актуал ва фойдали бўлган тадбирлар киритилади. План тасдиқлангач, ҳар икки томон бу планни муваффақият блан бажариш юзасидан социалистик мажбурият олади. Планнинг ва мажбуриятнинг шартларининг бажарилиши систематик равишда назорат қилиб борилади.

Белгиланган план ва олинган мажбуриятларни яхши бажаришда, айниқса институтнинг металлар технологияси кафедраси бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу кафедра ходимлари ўтган йили ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи блан бажардилар. Жумладан, улар қуюв цехида паровозларнинг тормоз колодкасини металл қолишга қуйиш технологиясини жорий этишда илмий ва амалий жиҳатдан катта ёрдам қилдилар. Олимлар томонидан тақдим этилган тадбирнинг амалга оширилиши шу участкада бракни кескин даражада камайтирди, ишни бирқадар енгилаштирди, меҳнат унумдорлигини анча оширишни та'минлади.

Бундан ташқари ўтган йили завод бош технологи бўлими блан институтнинг физика кафедраси ўзаро ҳамкорликда ишлаб, деталлар дефектини аниқлашда радиоактив кобальтни қўлланиш тадбирларини ишлаб чиқиш планлаштирилган эди. Ма'лумки, радиоактив кобальт ўзидан гамма нурларини чиқариб туради, бу нур рентген нуридан анча кучлидир. Шунинг учун ҳам уни ишлабчиқаришга жорий қилиш фақат бизнинг завод учунгина эмас, балки барча металлургия ва машинасозлик корхоналари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буни яхши тушунган завод технологлари ва институт физиклари радиоактив кобальтни қўлланиш тадбирларини ишлаб чиқиш устида зўр ғайрат блан ишладилар. Кўп ижодий изланишлар натижасида қуйилма, поковка, сварка қилинадиган конструкциялар каби детальларнинг ички дефектларини аниқлашда гамма дефектоскопиясини қўлланиш йўлларини аниқладик.

Бу янгиликнинг ҳартомонлама катта аҳамиятга эга эканлиги шундан ҳам ма'лумки, ГУП деб аталадиган махсус установкага жойлаштирилган ярим грамм радий эквивалентга эга бўлган радиоактив кобальт салкам беш ярим йил гамма нури чиқариб туради ва шу муддат ичида 250-300 миллиметр қалинликдаги металлнинг ҳамма ички дефектларини фото-плёнкага чизиб, кўрсатиб туради.

Ҳозирги пайтда биз гамма-дефектоскопияси процессини қисқартириш устида ишламоқдамиз. Бу соҳада ҳам дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг ўртамиздаги ижодий ҳамкорлик биргомонлама эмас, я'ни институт ходимлари бизга ёрдам берганларида биз ҳам қараб ўтирмаймиз. Ўз навбатида завод институтга кераги-ча ёрдам бермоқда. Масалан, завод кадрлари институт ремонт заводлари кафедрасининг паровозлар ремонти лабораториясини ускуналашда, пар машинасининг харакатланучи моделини ҳамда паровозларнинг узелларини текшириб кўришда ишлатиладиган кўп хил асбоб-ускуналар тайёрлашда институтга ёрдам қилдилар. Асбоб-ускуналар тайёрланадиган пўлатнинг компонентларини спектраль анализ қилиш методикасини ишлаб чиқиш учун завод институтнинг физика кафедрасига тез қирқадиган ва легирланган (мўртлиги камайтирилган) пўлат эталонлари намуналарини берди.

Бизнинг ҳамкорлигимиздаги э'тиборга сазовор фактлардан яна бири шундан иборатки, биз ўзаро ҳамкорликда қилган ишларимизни илмий асосда умумлаштириб, китоб шаклида нашр этиб турамиз. Ўтган йили заводнинг 16 инженер, техник ва илғор ишчилари ҳамда институтнинг 9 илмий ходими бирга-ликда ишлаб, оммавий серияда чиқарган китоби бунга далилдир. Бу китобда завод новаторларининг ички резервларни қандай ишлаб топаётгани ва улардан қай йўсинда фойдаланаётгани ҳикоя қилинган, айрим новаторларнинг иш методлари тасвирланган. Китоб босилиб чиққач, биз уни мамлакатимиздаги деярли ҳамма йирик саноат ва темир йўл корхоналарига юбордик. Шу кунларда у жойлардан ижобий фикрлар баён қилинган ўнлаб хатлар келиб турипти. Жумладан, яқинда Урал вагон заводи ва Кузнецк металлургия комбинатидан хат олдик. Бу хатларнинг авторлари бизнинг ишимизга яхши баҳо бериб, китобда кўрсатилган янгиликларнинг техник ҳужжатларини юборишни сўраганлар. Демак, бизнинг коллектив яратган техника янгиликлари бошқа корхоналарда ҳам қўлланилади. Бу — мажкур корхоналарга фойда келтириш блан бирга бизнинг завод ва институт коллективларини мана шундай янгиликларни яратиш ҳамда ишлабчиқаришга жорий қилишда янада зўр ғайрат блан ишлашга руҳлантиради.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, областимиздаги кўпгина саноат корхоналари бирқанча илмий-текшириш муассасалари, институтлар ва техникумлар блан ижодий ҳамкорликда ишлайдилар, аммо уларнинг эришган ютуқларини китоб ва брошюраларда оммалаштиришга кам э'тибор берилади. Ваҳоланки, бу амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешиллик плани юзасидан КПСС XX с'ездининг Директиваларида олимларнинг бутун куч ғайратини халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий проблемаларни ишлаб чиқишга сафарбар қилиш, илмий тадқиқотларни тезликда охиригача етказиш ва иш натижаларини халқ хўжалигига жорий қилиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Шу сабабли биз олимлар блан бўлган ижодий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Яқинда Тошкент темир йўли, темир йўл корхоналари, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ва бизнинг завод техника советларининг бирга-ликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 1955 йили ҳамкорликда қилинган ишларга якун ясалди ва бу йил қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Бу ишларнинг муваффақият блан бажарилиши бизнинг завода мавжуд бўлган ички резервларни кўпроқ ишга солишга ва техникани янада тараққий этдиришга, иккинчи томондан эса институтда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашга ёрдам беради.

П. ШИРОКИЙ,
Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи бош технология бўлимининг бошлиғи.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, қайта ускуналашни тез ва сифатли ўтказайлик!

☆☆☆ ☆☆☆

Қишлоқ хўжалик машиналарини сифатли ремонт қилайлик

Областимиздаги машина-трактор станциялари бу йилги кўклам дала ишларини ўз вақтида бажариб олишга эришиш учун юзлаб трактор, сеялка, культиватор ва бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлашлари ва қайта ускуналашлари кераж.

Кўпгина илгор машина-трактор станцияларининг тажрибалари шу нарсани кўрсатаётирки, агар машина-трактор парки ўз вақтида сифатли ремонт қилиниб, дала ишларига тайёрлаб қўйилса, шундагина дала ишларини энг қулай агротехника муддатларида тезда бажариб олиш, пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш мумкин бўлади. Дала ишларининг оммавий равишда бошланиб кетишига оз вақт қолди. Лекин бу факт машина-трактор паркини ремонт қилиш ва қайталаш ускуналаш ишлари ёмон бўлган айрим МТС раҳбарларини ҳечбир ташвишлантирмаётир.

Трактор паркини ремонт қилиш ишлари Охангарон районидаги 2-нчи МТСда айниқса қониқарсиз бораётир. Бу МТСда (директори Даянаев, бош инженери Чукметов) 1955 йил тўртинчи квартал плани фақат 23 процентгина бажарилган. Шунга ўхшаш Қуйичирчиқ районидаги МТСда (директори Бакулин, бош инженери Горохов ўртоқлар), Октябрь МТСида (директори Ноздрин, бош инженери Макашев ўртоқлар), Пискент районидаги 2-нчи МТСда (директори Вакеман, бош инженери Ким ўртоқлар), Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТСда (директори Пак Сан Ер, бош инженери Ким ўртоқлар) эса ўтган йил тўртинчи квартал плани 40 процентга ҳам етказиб бажарилмади.

Аҳволнинг шундай бўлишига қарамасдан, бу МТСларнинг раҳбарлари ҳалигача ҳам трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ишларини чинакамига қизиқтиб юбормаётирлар. Январь ойининг иккинчи ярми ўтаётганига қарамасдан ишда ҳечқандай ўзгариш сезилмаётир. Айниқса капитал ремонт қилиниши керак бўлган тракторлар ремонти ҳали ҳам бошланмаган. Масалан, Бекобод районидаги 3-нчи МТСда капитал ремонт қилиниши керак бўлган тракторларнинг 34 проценти, Октябрь МТСида 12,7 проценти, Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТСда 15 проценти ремонтга киритилган, холос.

Қишлоқ хўжалик машиналарини дала ишларига тайёрлашда ҳам ана шундай аҳволни кўрамиз. Айрим МТСларда, масалан, Бекобод районидаги 3-нчи, Тошкент районидаги 2-нчи, Гулистон районидаги 3-нчи МТС ва бошқаларда ҳалигача қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қиладиган махсус бригадалар ташкил этилмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ба'зи МТСларда тракторлар сифатли ремонт қилинмаётир. Масалан, Юқоричирчиқ районидаги 1-нчи МТСда (директори Ўртоқ Қосимов) ремонт қилинган 69 ва 10-нчи сонли универсалларнинг ҳарбирида 7—8 тадан жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Шу райондаги 2-нчи МТСда (директори Ўртоқ Моргунов) жорий ремонтдан чиқарилган 70 ва 50-нчи сонли универсалларда 7—12 тадан камчилик топилди. Масалан, бу тракторларда шатун подшипникларининг валга қўйилиш майдони 35—40 процентдан ортиқ бўлмаган. Маҳкамлаш учун яроқсиз гайкалар ишлатилган ва ҳоказо. Сифатсиз ремонт қилинганлиги учун 70-нчи сон универсал такрор ремонтга қўйилган.

Тракторларни сифатсиз ремонт қилишнинг асосий сабаби шуки, областимиздаги кўпгина машина-трактор станциялари янги, прогрессив узловой методни ҳали ҳам ишлабчиқаришга жорий этмаганлар, типовой технология қўлланилмайди. Ремонт ишлари эскича—бригада методлари билан олиб борилмоқда. Юқоричирчиқ районидаги 1-нчи МТСда илгари трактор ремонти узловой метод асосида ташкил этилар эди. Эндиликда эса бу МТС такрор, ўша эскиган бригада методига тушиб олган. Натижада мавжуд ремонт ускуналари асбоб ва мосламаларидан тўла фойдаланилмаётир.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини уюштиришда юз бераётган камчиликларга «Глававтотракторсбит»нинг Тошкент, Мирзачўл, Пискент районлараро бўлимлари, шунингдек «Узглавсельснаб»нинг Тошкент базаси раҳбарлари ҳам айбдидирлар. Бу бўлим ва базалар МТСларга айрим детальларни, подшипникларни, ремонт материалларини ва инструментларини ўз вақтида етказиб бермаётирлар. «Глававтотракторосбит»нинг районлараро бўлимлари кўп вақттача ДТ—54 ва С—80 дизел тракторларининг двигатели магнето ва карбюраторлари учун бирқанча детальларни топиб бераолмади. МТСлар чопиқ тракторлари учун зарур бўлган детальлар блан ҳам тартибли равишда та'мин этилмаётирлар. Масалан, илашиш муфти дискаси ва қистирмаси, тормоз барабанлари колодкаси ва гупчаги, олдинги ғилдирак ўқлари ва бошқа детальлар блан та'минлашда кўпинча узилиш бўлаётир.

«Сельхозснаб»нинг область базасида кўпинча тахта-туника ва сортли темир, тиска, кесиш инструментлари, ҳархил ключлар, плуг ва сеялкалар учун зарур бўлган детальлар ва ҳоказолар кўп вақт бўлмайди. Бу деталь, материал ва инструментларнинг бўлмаслиги кўп ҳолларда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонтдан чиқаришга ҳалақит бераётир. Та'миновчи ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ишларини қайта қуришлари, МТСларни зарур деталь ва материаллар блан тартибли суратда та'минлаб туришлари зарур.

МТСларнинг директорлари ва бош инженерлари трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ва қайта ускуналаш сур'атини ҳартомонлама кучайтиришлари ва бунда ишнинг сифатига алоҳида э'тибор бериб, кўклам дала ишлари бошлангунича барча техникани тўла тахт қилишга эришувлари лозим.

Машина-трактор станцияларининг бу йилги кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришдаги энг муҳим вазифаларидан бири, чигитни режа сими ёрдами блан квадрат-уялаб экиш учун кадрларни тўғри танлаш ва уларни бу ишга қунт блан ўргатишдан иборатдир.

Машина-трактор станциялари ўтган йил йўл қўйилган хатоларни э'тиборга олишлари, чигитни ва бошқа экинларни квадрат-уялаб экиш учун зарур бўлган малакали кадрларни қунт блан тайёрлашлари, ўқитишлари лозим.

Воронеж области механизаторларининг Чаҳ иригини қабул қилган Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва қайта ускуналашнй сифатли ўтказиш ва бу ишни шу йил 10 февральга тугаллаш мажбуриятини олдилар. Областимиздаги барча МТСларнинг коллективлари ҳам умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишлари, қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида тайёрлаш блан 1956 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

Н. ЯРОВОЙ,

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг механизация ва электрлаштириш бўлимининг бошлиғи.

☆☆☆ ☆☆☆

РЕПОРТАЖ

МТС устахонасида

Суратда: слесарь ўртоқ Н. Риков трактор моторини йиғмоқда. Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Гудок овози ҳавони тўлқинлатиб атрофга ёйилди. Ҳозиргина музика садолари янграб турган кўркам ошхона ва чойхонадан овқатланиб, чой ичиб чиққан слесарьлар, темирчилар, бригада, участка механиклари, тракторчилар МТС парки томон йўл олдилар. Ҳамма ўз иш ўрнини эгаллайбошлади. Устахонада яна одатдагидек қизғин иш бошланиб кетди.

Устахонадаги катта залнинг бир томонида тракторлар қисмларга ажратилаётир, мана шу ерда қисмларга бўлинган тракторлар қўлдан-қўлга ўтади. Бунга қадар трактор қисмлари махсус хонада роса ювилади. «Касали» аниқланиб, дефектний акт тузилади, сўнгра улар хонама-хона ўтказилади. Бир хонада ёшгина йигит тракторнинг электр асбобларини синчиклаб кўздан кечириб, тузатиб ўтирипти. Унинг ёнидаги мотор цехида тракторнинг қисмлари ҳаржой-ҳаржойга қўйилган. Бу қисмлар турган жойларга «магнит», «карбюратор», «регулятор», «маслонасос», «вентилятор», «испитание» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Биз МТС партия ташкилотининг секретари С. Шамсиев ва инженер Подольский ўртоқлар блан шу хонага кирдик.

— Тракторлар узел методи блан ремонт қилинади,—деди ўртоқ Подолский,—ҳозир бизда 13 та узел бор. Трактор ва сеялкалар ремонтида 46 киши ишлаапти. Шундан 30 киши МТСнинг тажрибали ва доймий ишчилари, қолганлари тракторчилар. Тракторнинг «юраги» бўлган мотор қисмлари шу ерда, ўзимизнинг тажрибали ишчиларимиз томонидан ремонт қилинади.

Партия ташкилотининг секретари бизни контроль-механик ўртоқ М. Конюхов блан таништиради. У бизни ремонтдан чиқарилган моторларни совуқ ва иссиқ ҳолида синаб кўриладиган хонага бошлаб киради. Бу ерда слесарь Риков моторларни синаб кўради. моторларнинг қанча ёқилғи сарф қилишини махсус аппарат ёрдамида кўздан кечиради.

* * *

Янгийўл районидаги 2-нчи МТСда тракторларни, сеялкаларни тўла-тўкис ва сифатли ремонт қилиш учун астойдил кураш олиб борилмоқда. Яқинда МТС ишчилари ўртасида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига ёзилган Мактуб кенг муҳокама қилинди. КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа янада кучайтириб юборилди.

— Биз Мактуб муҳокама қилинганга қадар планга мувофиқ бир кунда битта тракторни ремонт қилаётган эдик, — дейди ўртоқ Подольский, — Мактуб муҳокама қилингандан кейин бир кунда 1,5 та тракторни ремонтдан чиқараётирмиз. Бу эса трактор ва сеялкаларни планда белгиланган муддатдан 14 кун олдин тамомлаш имкониятини беради. Ҳозир коллективимиз мана шу мажбуриятни шараф блан бажариш учун астойдил курашмоқда. Шу кунгача ремонт қилиниши лозим бўлган 56 «универсал»дан 18 таси, 40 та сеялкадан 17 таси тайёрланди.

Устахонага кираверишда «Кўрсаткич тахта»ни турипти. Ундан слесарь А. Соболев кунлик топшириқни 200—206,5 процент, темирчи О. Трубач — 200 — 250 процент, слесарьлардан Петриченко — 206—209, Риков 162,5—200, Балашов 175—183 процент қилиб бажараётганлигини билиб олдик.

— Улар ўзларининг социалистик мажбуриятларини ана шундай бажармоқдалар, — деди ўртоқ Шамсиев, — трактор бригада бошлиқларидан Свердлов номли колхозда хизмат қилаётган коммунист Михаил Пилнев, Мирза Фозилов, Умар Усмонов, Сталин номли колхозда хизмат қилаётган Икром Иброҳимов, Маннон Ҳакимовлар 4—5 тадан «универсал»ни ремонтдан чиқардилар.

Биз МТСнинг иноқ, меҳнатсевар, социалистик мусобақада илгор бўлган аъзамат кишилари блан хайрлашар эканмиз:

— Коллективимиз ўз устига олган мажбуриятни албатта бажаради, — деди инженер Подольский, — бизнинг ва'да чин ва'да. Шундайми, ўртоқлар?

— Шундай-шундай, — кўпчиликнинг бир кишидек бўлиб айтган овози жарангдаб эшитилди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Дала ишлари қизғин давом этмоқда

Верхне-волинск район, Чкалов қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз а'золари ўтган қишлоқ хўжалик йилини юқори кўрсаткичлар блан якунладилар. Улар пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Ана шу қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

1-нчи МТС механизаторларидан ўртоқ Умар Ҳамроев ўз агрегатидан тўла ва унумли фойдаланиб, 200 гектардан ортиқ ерни ҳайдовдан чиқариб қўйди. Шўр ерларни ювиш, айниқса, намунали ўтказилмоқда.

Қ. НУРАЛИЕВ.

Кўптиражли газеталар ЮМОРИ

Э'ТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

1-нчи йигирув фабрикасининг арқоқ цехида (смена мастери ўртоқ Палий) кечки сменаларда асбоб-ускуналарни кўздан кечириб, уларни тозалаб туриш графиги бажарилмайди. Шу сабабли цехда тартибсизликлар кўп, ишлабчиқариш майдонлари ифлос бўлиб ётади.

Худди шундай аҳволни 3-нчи фабриканинг ўртоқ Файзулова мастерлик қилаётган йигирув цехида ҳам кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида коллективнинг унумли ишлашига ҳалал етказмоқда.

(Фабрикалар бўйича кечки сменаларда ўтказилган комсомоллар рейди материалларидан).

(«Голос сталинца» газетасидан).

Кисту, калит, чўткалар
Шовқин солиб ўхталар.
«Машиналарга боқмай
Чап берасиз, не бундай?
Сизга тинчлик бермаймиз,
Биз талабдан кечмаймиз,
Йўл йўқдир унитгани
Кисту, калит, чўткани!».

ИККИ ДИРЕКТОРНИНГ СУҲБАТИ

Бир бинодан иккинчи бинога ўтиш вақтида кўпгина студентлар лекцияларга қатнашиш ўрнига кинотеатрда «ушланиб» қолаётирлар.



— Студентларимизни қайтариб юборинг!
— Бечикдингиз! Сеанс бошланди.
(«За индустриальные кадры» газетасидан).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Фисенконинг ўжарлиги

Оққўрғон районида битта давлат, иккита колхоз ГЭСи, район марказида 4 та электростанция бор. Лекин район маркази кўп вақтдан буён тимқоронги, кечалари кўчаларда юриш жуда маҳол.

Район партия комитети, район ижроия комитети, магазинлар, босмахона, бошқа ташкилотлар, жамоат бинолари, кўпчилик ишчи ва хизматчилар уйида электр тормоғи бор. Буларга қувват берса, ёнаберади. Катта кўчаларда ўрнатилган столбалардаги лампочкалар ҳам қувват йўқлигидан нурсиз.

Районда етарли даражада электроэнергия базаси бўлатуриб кўчалар ва меҳнаткашларнинг уйлари ёритилмайди.

Бунга фақат Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Сельэнерго назорати инспектори ўртоқ Фисенконинг ўжарлиги сабаб бўлаётир. Фисенко ўтган йил май ойида районга келди. У, район ташкилотлари раҳбарлари блан гаплашишни ўзига эп кўрмади. Фисенко район партия комитети ва район ижроия комитети биноси олдидан ўтиб кетди. «Учирилсин, район марказига электр қуввати бериш учун проект йўқ» деди-ю, изига, Тошкентга қайтиб кетди. Шу-шу, район маркази чироқсиз қолди.

Район ижроия комитети Фисенконинг ножўя ҳаракати тўғрисида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ М. Муҳамеджонов номига хат ёзиб, мурожаат қилди. Хатнинг натижаси ҳалигача йўқ.

Район марказидан 500 метрча нарида яшовчи ГЭС бошлиғи Хатам Раҳимовнинг уйида электр доим ёниб туради, аммо аҳоли уйларида, жамоат ташкилотлари биноларида қариб 8 ойдан буён электр чироқлари ёнмайди.

Бундай аҳвол яна қачонгача давом этади? Жамоатчиликни шу нарса қизиқтирмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

У НУ

Ян Синнинг сўнгги кунлари

Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Ну давлат ва сиёсий арбоб бўлиш блан бирга, умрининг кўп йилларини адабий ижодга бағишлаган киши ҳамдир.

У кўпгина новелла, пьеса ва ше'рий асарларнинг авторидир. У Ну мамлакат тарихида биринчи Бирма Энциклопедиясини яратишда актив иштирок этди. У Ну К. Маркс «Капитал»нинг бирма тилига таржимони сифатида ҳам машҳурдир.

У Нунинг «Одам-одамга бўри» романида Иравади дар'ёси бўйидаги Сханзу деган кичкинагина қишлоқли деҳқон Ян Син, унинг ёшгина хотини Нгве Кхин ва қишлоқчадаги илгари озодлик ҳаракатидан четда турган бошқа кўпгина кишиларнинг мустамлака зулмига қарши курашга қўшилганликлари ҳикоя қилинади.

«Одам-одамга бўри» романининг қуйида босилаётган сўнгги боблари Бирмада чиқадиган «Гарднан» журналида 1955 йилда босилган.

Мутлақо табиийки, Ян Син газабланганидан жони ҳиқилдоғига келган. Лекин унинг газаби қафасдаги йўлбарснинг газабига ўхшар эди. Кучсиз газаб эди бу. Эртасига у касалхона палатасига жойлаштирилди. Бу вақтга қадар тюрьма тартиблари ҳақида кўп нарсани билиб олган эди. Энди унинг ишончли дўсти қолмаганди. У назоратчилар бошлиғининг идорасидаги «қабул» маросими нима эканлигини билиб олган эди.

Касалхона палатасида уни тюрьма врачи ўзи шахсан қарши олди. Кеча кечқурун у, назоратчиникида овқатланаркан, у блан Ян Син ҳақида махфий равишда суҳбатлашиб олди. Албатта врач Ян Синдан гижжа топишга ҳаракат қилади. Кескин даволаш чоралари кўрилабошланди. Ян Синнинг бўғзига сурги дорининг уч ҳиссали дозаси юборилабошланди. Бу иш кеча кундуз куни қилинган бўлса ҳам, у ҳамон дармонсиз эди. Ян Син ҳолдан тойган эди. Ян Син жут тўшакка ўралиб олганча ўз ҳолига шундай ҳўрлиги келдики, ёпоқларидан дув-дув ёш оқарди. «Кўриниб турибди, улар мен ўлгунимча шундай қилишаберади», — деди у ва шу ондаёқ: — Бўлмаса-чи! Менга кимнинг раҳми келарди?» — деб қўшиб қўйди, худди қандайдир қарорга келгандек.

У кўзидаги ёшни қўли блан артди-да, тишини гижирлатди. Эртасига унга кучли та'сир қилучи бошқа дори — гижжа порошоги беришади. Аҳлатидан кўп миқдорда гижжа топишгач эса у яна ични ёндирадиган мана шу порошокдан катта дозасини ичади. Ян Син блан тюрьма врачининг ўзи шуғулланди — бу тюрьма тарихида кўрилмаган даҳшатли ҳодиса эди. Ян Син врачнинг бир оғиз гап айтмай ўз ишини қилаверишини биларди. Агар у, Ян Син ўн рупийли тангаларнинг қорасини кўрсатиб қўйса ҳам, барибир бу азоблардан қутулаолмайди. У нима ҳам қилаоларди?

Ян Син бир қарорга келди. Унга дори беришганда стаканни тортиб олди-да, цемент полга улоқтирди. Врач ҳанг-манг бўлиб қолди. У Ян Синни жонсиз йўлбарс деб ўйлаган эди. Лекин жонсиз йўлбарс бир сапчиб уни тишлаб олди. Врачнинг буйруғи блан жаллодлар Ян Синни камерага судраб кетдилар. Улар Ян Синни йўлда нима қилганликларини тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Роса калтакланган Ян Синни қоши отиб юборгандек камерага улоқтирдилар. Келгуси душанба куни унинг масаласини тюрьма бошлиғи кўриши керак эди.

Ян Син жуда заифлашиб қолганди. Шунга қарамай у тюрьма бошлиғининг олдига қўллари қишанланган ҳолда келтирилди. Тюрьма врачига очиқдан-очиқ — бунинг устига қулоқ эшитмаган даражада кўполлик блан итоатсизлик қилган бу йигит хавфли шахс бўлиши керак. Бундай одамни бошлиқлар олдига юборишдан олдин унинг қўлига қишан солмаслик ва эҳтиёткорлик чораларини кўрмаслик нома'қулгарчилик бўлур эди. Бунинг устига бошлиқ қишанни кўрса, энг қаттиқ чораларни кўришга буюради.

Бошлиқ сўради: «Нега дорини ичишдан бош тортдинг?» Ян Син тюрьмада адолатдан асар ҳам бўлмаслигини билар эди. Ян Син ўзининг ҳарбир сўзи беҳудага кетган товуш эканлигини жуда яхши тушунарди. Фақат бош назоратчи ва тюрьманинг бошқа ходимлари айтган гаплар ниҳобатга олинарди. Бош назоратчининг эса унга адовати бор эди. Шунинг учун Ян Син соддагина қилиб: «Даволанишни истамадим», деб қўяқолди. Бош назоратчи шу ондаёқ ингиллачалаб Ян Син тузалмайдиган даражада бузилган, деган ма'нода гап қистириб қўйди. «Жуда соз», — деди тюрьма бошлиғи. У Ян Синнинг бурнидан дори қуюшга, кейин эса бир ойга якка кишилик камерага қамашга буюрди. Бу Ян Синни ажаблантирмади. У золим назоратчининг кетидан жимгина кетаверди.

Пигирма саккиз кун деганда Ян Син шикоят суди аризасини қайтаргани билди. Бу шароити жуда оғир тюрьмага тўрт йил қамаш ва ўттиз марта хипчин блан савалаш ҳақидаги дастлаб чиқарилган ҳукм ўз кучида қолди, деган гап эди. Агар бирор одам тюрьмага қамаш ва хипчин блан жазоланишга ҳукм қилинса, ҳукм чиқарилгач, ўнбеш кун деганда савалаш ўтказиларди. Маҳбуснинг шикояти ҳукмнинг ижро этилишини то у шикоят судида тасдиқланишигача тўхтатиб турди. Демак, у якка кишилик камерадан чиқарилгач, ўттиз хипчинга бардош бериши керак эди.

Бош назоратчи ва тюрьма бошлиғи маҳбусга нима учундир мурувват қилганларида экзекуция'ни енгиллаштиришга ҳаракат қилишар эди. Лекин оддий маҳбуслар-нинг жони экзекутор қўлида эди. Масалан, агар маҳбус саккиз анн[2] пора бериб экзекуторнинг илтифотига муяссар бўлса, у хипчинининг бир эллик калтарағини қўлига олар эди. Икки эллик калтарақ хипчин блан уриши эса бутун бир рупий турар эди. Бундай хипчинлар бироз камроқ оғритарди. Лекин маҳбус ўша ерда ҳозир бўлган тюрьма бошлиғи ва тюрьма врачи жазолашдан қаноат ҳосил қилишлари учун кучининг борича қичқириб додлаши керак эди. Ба'зибир иримчи маҳбуслар экзукуторга хушомад қилиш ўрнига оғриқни пасайтирадиган бўлмагур му'жизаларга ишониб, олдиндан орқаларига нималарнидир суриб олишарди. Буни яширинча қилишга тўғри келарди: экзекутор бундай найранглардан хабар топса қарши чоралар кўрарди: у ҳечкимга билдирмай хипчинга нажоат суртиб оларди — шу ондаёқ ҳарқандай му'жиза кучсиз бўлиб қоларди. Бу ҳам етмагандек жаҳлланган экзекутор терини ёриб юборадиган даражадаги тақиқланган «чопиб келиб уриш» усулини қўллар эди.

Ўдалайолган маҳбуслар бош назоратчи блан келишиб оларди, у эса хусусий суҳбат пайтида экзекуторга ортиқча жаҳлдаги қилмасликка маслаҳат берарди. Лекин бунда бош назоратчига аталадиган мўмайгина порадан озроғини экзекуторга ҳам бериши керак эди, бўлмаса, у бирикки марта янгилиб кетиб, хипчин блан орқага шундай урардики, қон отилиб кетарди.

Тюрьма врачини ўзига мойил қилиб олган кишилар бахтли эдилар. Тан жазоси блан боғлиқ бўлган масалаларда у энг катта ҳокимиятга эга эди. Тюрьма врачи маҳбуснинг савалашга чидаш бераолиш ёки бераолмаслигини аниқларди, у зарбанинг қай даражада берилишини тайинлабгина қолмасдан, балки ҳукм бўйича белгиланган савалаш тугамасданоқ, экзекуцияни тўхтатиш ҳуқуқига ҳам эга эди. Кимдир ҳатто Ян Син ҳақида тюрьма врачи блан бириккан оғиз гаплашиб ҳам қўйди. Афсус, бу дўст эмас, душман эди! Ян Синнинг ҳечқандай умиди қолмаганди.

Мана ўша кун ҳам келди. Савалашга ҳукм қилинганлар рўйхатида ўнбир киши бўлиб, Ян Син бешинчи эди. Маҳбусларни савалайдиган ҳовли бир пастда қўлоқни йиртадиган қичқиқларга тўлди. Ба'зилар оғриқдан фар'ёд чекарди. Бошқаларни қўрқув сиқиб қўйган, шунинг учун улар қичқиришга қодир эмасдилар. Ян Син ҳаяжонли изтиробда эди. Лекин у тишинитишига қўйиб, ўз навбатини кутди. Ян Син навбати келганида салмоқлаб қадам ташлаб тўсиндан қилинган учбурчак — экзекуция ўтказадиган жойга борди. Ўнг томонда турган экзекутор унинг қўлларини баландга кўтаришни буюрди-да, уларни учбурчакнинг теппасига маҳкамлаб боғлади. Бошқа экзекутор Ян Синнинг кийимларини очиб олди-ю унинг белидан кўчаларанг қўйилган тўсинга боғлади. Энди қаршилик кўрсатиш мумкин эмас. Лекин бу ҳам камлик қилар эди. Пастки бурчакларга Ян Синнинг оёқларини тортиб арқон блан боғлаблар. Кейин сағрисига аллақандай суюқлик шимдирилган бир бўлак юпқа латта ташладилар.

Жаллодлар ўз ишларини яхши билганликлари учун бу ишларнинг ҳаммасига икки минутча вақт сарфладилар. Егоч учбурчакнинг икки томонида турган икки экзекутор савалади. Улар хипчинни «шилт-шилт» этказиб, ҳавода ўйнатиб экзекуция бошламасданоқ маҳбусларга даҳшат солишарди. Ниҳоят ўнг. томонда турган жаллод хипчинни қулочкашлаб, биринчи зарбани туширди. Ян Синнинг сағрисини ёпиб турган юпқагина латта дарҳол қонга бўялди. Уришни санаб турган жаллод озозини баландлатиб, бепарволик блан қичқирар эди: бир, икки, уч...

Экзекуторларнинг иши енгил эмасди. Ўз ўлжасидан тахминан уч қаламча нарида турган экзекутор хипчинни ҳавода шиддат блан ўйнатганча, мўлжаллаб учбурчакка томон қадам ташлаб Ян Синга зарба берардида, ҳаракатининг маромини бузмай яна жойига туриб оларди. Чап томонда турган эса бирқадам ташлаб гавдасининг оғирлигини ўнг оёгига солар ва кейин ўнг оёгининг учида туриб, бу оғирликни маҳбуснинг орқасига тегаднган хипчинга тўширар эди. У зарбани туширгач, ўша маром блан орқага қайтар ва аввалгисича туриб оларди. Ўнг томонда турган экзекутор ҳам гавдасининг оғирлигини чап оёгига солгани фарқини ҳисобга олмаганда худди шундай ҳаракат қилар эди.

Ҳарбир зарбдан кейин қон тирқираб чиқарди, тезда Ян Син сағрисидаги латта жиққа қон бўлди. Ингичка қон оқимлари Ян Синнинг сонидан оқар эди. У чурқ этмади, пешонасини тўсинга тираганча оғриқ азобни тортаверди. Ян Синнинг жасурлиги раҳмсиз савалаш ҳақида бошлиқлардан топшириқ олган иккала жаллоднинг жазавасини тутдириб юборди. Улар янада қутириб, худди Ян Син узоқ йиллар ўзларининг шахсий душманларидек савалашди.

Кишининг психологияси ғалати хусусиятларга эга. Ҳатто ўз ўғлини қалтаклаётган ота ҳам агар ўғли қалтакка бардош бериб жим тураберса ғазаби ошиб кетади. Агар бола йиғласа, қичқирса, жони оғриётганини, ўз хатосини тушунганини ва тузалишга ҳаракат қилишини билдирса, бошқа гап: ота қаноат ҳосил қилади-да, савалашни тўхтатади. Ян Син душманларининг малайлари бўлган экзекуторлар унинг ўжарлигини кўриб, унга нисбатан аҳдий душмандек қутириб ҳаракат қилсалар, ажабланмаса ҳам бўлади. Ян Син ҳечнарсага умид боғлайолмасди. Мана шу ерда қийноқ жойида ўлгани яхши бўлар эди. Қанча тез ўлса, шунча тез озод бўларди.

Раҳмсиз хушфе'л, кўнгли бўш Ян Син, истакларига Нгве Кхинни итоатқорлик блан — буйсундиручи эр — Ян Син анча аҳлли ва хуш'ёр фикр қилар эди. У ўз ҳолига ўзининг ҳўрлиги келди, бу ҳиссиётни енгтач, даргазаб бўлиб кетган Ян Син тақдирининг ҳарқандай зарбасига чидашга тайёр эди. Тақдир уни бўри уясига ташлаган экан — унинг қилолиши мумкин бўлган ягона нарса азобга мардона чидаш эди. Шунинг учун у чурқ этмади.

(Давоми бор).

1. Экзекуция — тан жазоси.
2. Анн — ҳинд тангаси; бир анн $^1/_{16}$ рупийга тенг келади.

Италия коммунистик партияси халқ манфаатлари учун курашда

Италия коммунистик партиясининг тузилганига кеча, 21 январьда 35 йил тўлди. Италия ишчилар синфига бош бўлган компартия шу давр ичида оғир, аммо шонли йўлни босиб ўтди. Италия компартияси чорак аср мобайнида фашизмга қарши қаттиқ кураш олиб борди, бунинг 20 йили подполье ва мисли кўрилмаган қаттиқ қувғин шароитида ўтди. Урушдан кейинги ўн йил давомида партия Италия меҳнаткашларининг турмуш шароитини яхшилаш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашига бошчилик қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Италия коммунистик партияси жаҳон коммунистик ҳаракатида шарафли ўринни олди. У, Италиядаги энг катта ва э'тиборли партиядир, янги типдаги партиядир, «буюк қучдир, жипслашган, актив ва жанговар қучдир» (Тольятти). Унинг сафларида 2 миллион 100 минг а'зо бор. 440 минг кишини бирлаштирган Италия коммунистик ёшлар федерациясига компартия раҳбарлик қилмоқда. 750 минг а'зоси бўлган Италия социалистик партияси компартия блан маҳкам иттифоқ бўлиб ҳаракат қилмоқда. Бу иккала ишчи партиясининг иттифоқи ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг бирлигини мустаҳкамлашнинг ҳамда уларнинг уюшқоқлигини кучайтиришнинг негизидир. Бу иттифоқ коммунистик ва социалистик партиялар раҳбарлик қилаётган оммавий демократик ташкилотлар тузилганлигида ўзининг амалий ифоласини топди. Бу ташкилотлар орасида 4 миллион 700 минг касаба союз а'зосини бирлаштирган Умум Италия меҳнат конфедерацияси, кооперативлар миллий иттифоқи (3 миллионга яқин а'зоси бор), Италия хотин-қизлари союзи, Италия партизанлари миллий уюшмаси ва бошқалар бор.

1953 йил июнь ойида бўлиб ўтган кейинги парламент сайлови вақтида 6 миллион 120 мингдан кўп сайловчи коммунистик партия кандидатлари учун овоз берганлиги партиянинг омма ўртасидаги та'сири нақадар кучли эканлигини кўрсатадиган фактдир. Коммунистлар социалистлар блан биргаликда 10 миллион овоз олдилар, бу эса овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 36,5 процентини ташкил этади. Иккала сўл партия 1953 йилда 1948 йилдаги парламент сайловидагига қараганда 1 миллион 800 минг кўп овоз олди.

Италия коммунистик партияси кучи ва та'сирининг асосий сабаби — унинг омма блан алоқани кенгайтириш ҳақида, барча меҳнаткашларни, барча мазлумларни ва эксплуатация қилинучиларни жипслаштириш ҳамда уларни капиталистларга ва помещикларга қарши курашга сафарбар қилиш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигидир. Партия ташкил этилган дастлабки йиллардаёқ унинг асосчилари Грамши ва Тольятти сектантларга ва оппортунистларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Сектантлар ва оппортунистларнинг сиёсати партияни ишчилар синфидан ажратиб қўйиш хавфини туғдирган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида компартия фашизмга қарши бирлашишнинг ташкилотчиси бўлди, итальян фашизмига ва гитлерчи босқинчиларга қарши меҳнаткашлар олиб борган курашга раҳбарлик қилди. Партия 1942—1943 йилларда Италия пролетариатининг катта забастовка ҳаракатига бошчилик қилди, Совет Армияси Германия ва Италия фашизмига ҳал қилучи зарбалар берганидан кейин эса партизанлар ҳаракатини авж олдирди. Бу ҳаракат гитлерчи қўшинларни тор-мор қилиш ва уларни Италия территориясидан қайдаб чиқариш блан тугади.

Мамлакатда фашизмга қарши кураш ниҳоятда кучайганлиги ва халқ оммасининг тазйиқи остида шу курашга вақтинча кўнишлишга мажбур бўлган ўнг партияларнинг саросимага тушиб қолганлиги революцион ўзгаришлар ясаш учун бошланган умумхалқ ҳаракатининг ривожланишига ёрдам берди. Бу эса ишчилар синфи уюшган кучларининг шаҳар ва қишлоқлардаги пролетар ва ярим пролетар табақалар блан иттифоқ бўлиб ғалаба қозонишига олиб келиши мумкин эди.

Лекин АҚШ ва Англиянинг бевосита аралашуви бундай ғалаба қозонишга йўл бермади, улар Италияни оккупация қилдилар ва 1947 йилгача бу ерда ўз армияларини сақлаб келдилар. Оккупациячи ма'мурларнинг ва Ватиканнинг ёрдами блан Италия монополиячилари, банкирлари ва помещиклари миллий экономикада ўз позицияларини сақлаб қолдилар, фашистлар партияси ўрнига янги реакцион христиан демократлар партиясини ташкил этдилар ва 1947 йил май ойида коммунистлар ва социалистлар ҳукуматдан четлаштирилганидан кейин, христиан демократлар партиясини мамлакатдаги ҳукмрон партияга айлантирдилар.

Броқ, шундай мураккаб вазиятда ҳам меҳнаткашлар коммунистик партия раҳбарлигида жиддий ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 1946 йил 2 июньда умумхалқ референдуми ўтказиш йўли блан монархия тугатилди ва республика тузуми ўрнатилди. 1947 йил 22 декабрьда Та'сис мажлиси конституция қабул қилди. Коммунист ва социалист депутатларнинг таклифига мувофиқ омманинг гражданларга демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар бериш ҳақидаги, меҳнаткашлар фойдасига саноат ва ер ислоҳотлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий характердаги бошқа ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги ҳақидаги талаблари конституцияга киритилди. Конституциянинг ў моддалари ҳозирги вақтда ҳам прогрессив кучларнинг мамлакатни демократлаштириш учун олиб бораётган курашида асос бўлиб қолмоқда.

Италия коммунистлари тинчлик учун кураш ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг актив иштироки блан 20 мингга яқин тинчлик комитети тузилди. Бу комитетлар атом қуролини тақиқлаш учун 1950 йилда, Тинчлик факти учун 1952 йилда ўтказилган кампанияларнинг ҳарбирида 16 миллиондан имзо тўпладилар. Имзо чеккан бу кишилар Италияда яшовчи катта ёшдаги аҳолининг асосий кўпчилигини ташкил этади. Ҳозирги вақтда компартия халқаро кескинликни юмшатиш учун, барча халқларнинг дўстлиги ва тинч ҳамкорлиги учун курашучиларнинг биринчи сафларида бормоқда. У парламентда ва халқ ўртасида Италиянинг ташқи сиёсатини Америка ҳукмрон доираларининг талабларига бўйсундиришга қарши кескин кураш олиб бормоқда. У, Италиянинг ҳарбий блокларда қатнашишдан воз кечишини, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини та'минлаш мақсадида конкрет тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Халқ оммасининг турмуш даражаси борган сари ёмонлашаётганлиги Италия ҳаётидаги энг кескин проблемадир. Кенг иste'мол моллларининг нархлари, квартира ҳақи, эгри солиқлар аста-секин бўлса ҳам, тўхтовсиз ортиб бормоқда. Меҳнатнинг интенсивлиги ошмоқда, шу блан бирга бахтсизлик ҳодисалари кўпаймоқда. Тўла ишсизларнинг сони 2 миллион кишидан ошиб кетди, меҳнаткашларни корхоналардан қўплаб ишдан бўшатиш давом этмоқда.

Қишлоқларда ер рентаси ошмоқда, майда ижарачиларнинг аҳволи оғирлашмоқда, ерни тенгшерикликка ишловчи деҳқонлар ер участкаларидан қувилиш хавфи остида қолмоқда. Хонавайрон бўлган майда деҳқонлар ва батраклар шаҳарларга иш қидириб кетмоқдалар. Ярим оч яшаш, медицина ёрдамининг йўқлиги, саводсизлик аҳолининг камбағал табақалари учун катта офат бўлмоқда.

Аммо саноат корхоналари эгаларининг олаётган фойдалари ва помещикларнинг даромадлари ғоят даражада ошмоқда.

Компартия меҳнаткашларнинг қисман қўлга киритган ғалабалари ҳамавақт монополиялар ва помещикларнинг ҳийла-найрангларигаи натижасида барбод бўлиш хавфи остида қолишини назарда тутиб, ислоҳотлар программасини олга сурди. Бу программа амалга оширилган тақдирда меҳнаткашларнинг эришган ютуқлари қўлдан кетмаслиги та'минланган бўлур эди. Монополиялар устидан демократик контроль ўрнатишни, химия ва электр компанияларини национализация қилишни, катта ер мулкларининг миқдорини 100—50 гектаргача камайтиришни та'минлайдиган ва ортиқча ерларни кам ерли ва ерсиз деҳқонларга тақсимлаб беришни кўзда тутадиган ер ислоҳоти тўғрисидаги талаблар шу программанинг асосий моддаларидир. Коммунистик партия қишлоқ хўжалик шартномалари системасини майда ижарачилар, ерни тенгшерикликка ишловчилар ва батраклар фойдасига қайта кўриб чиқишни, помещикларнинг деҳқонларни ердан ҳайдаб юбориш ҳуқуқидан маҳрум этишни ҳам талаб қилмоқда.

Бу программани сўл партияларнинг тарафдорлари бўлган меҳнаткашларгина эмас, балки католикларнинг ҳамда бошқа ўнг партиялардаги ва ташкилотлардаги оддий а'золарнинг талай қисми ҳам қўллаб-қувватламоқда. Ҳукмрон христиан-демократик партиянинг кўпгина маҳаллий ташкилотлари монополияларнинг зулмини чеклашни ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш чораларини кўришни талаб қилдилар.

Деҳқонлар компартиянинг аграр программасини қизғин ма'қулламоқдалар. Масалан, мамлакатнинг аҳоли кўпчилиги қишлоқ хўжалиги блан шуғулланучи тўртта областида (Лацио, Кампанья, Сицилия, Сардиния да) 1953 йили парламент сайловида компартия учун овоз берганларнинг сони 1948 йилдаги сайловдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпайди. Компартиянинг қишлоқдаги турли табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб актив иш олиб бораётганлиги ишчилар синфи блан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда.

Италия коммунистик партиясининг оммавий ишлари итальян халқининг кўпчилигини партия сиёсатига тарафдор қилиш учун кураш шиори остида ўтмоқда. Бу шиорнинг ҳаётийлиги шундаки, ўз фаровонлигини бошқа кишиларнинг қулфати ва бахтсизлиги ҳисобига қурмайдиган ҳарбир итальяннинг энг муҳим орзу ва мақсадлари партия сиёсатига асос қилиб олинган. Партия халқнинг барча табақаларига ва айниқса унинг энг кўпчилигини ташкил этган католикларга мурожаат қилиб, уларни тинчлик учун, демократик эркинликлар учун, меҳнаткашларнинг иқтисодий талабларини қондириш учун, монополияларнинг зулмига қарши курашда бирлашиб ҳаракат қилишга чақирмоқда.

Коммунистик партия ҳарбир партия ташкилотидан ва ҳарбир коммунистдан меҳнаткашларни: католикларни, социал-демократларни, монархистларни, партиясизларни омманинг ҳаётий талаблари учун биргаликда кураш олиб боришга ёки жалб этишни, улар блан шахсан алоқа боғлаб, бирлашиб ҳаракат қилиш зарурлигини тушунтиришни талаб қилмоқда.

Италия коммунистик партияси ўзининг 35 йиллик фаолияти давомида партиянинг ташкилий ва идеология жиҳатдан мустаҳкамланишида катта ютуқларга эришди, доимий иш олиб боручи ва омма блан боғланган мустаҳкам партия ташкилотини вужудга келтирди. Партиянинг 57 минг ячейкаси мамлакатнинг ҳамма қисмларида иш олиб бормоқда. Кадрларни пастдан юқорига кўтариш ва тарбиялаш юзасидан олиб борилган катта ишлар натижасида 420 минг коммунистдан иборат партия активи вужудга келди. Булар партия ташкилотларига ва оммавий ташкилотларга раҳбарлик қилмоқдалар. Кейинги беш йил ичида партия мактабларида ва Компартия ташкил этган курсларда 260 минг коммунист ўқиди. Юз мингдаб партия а'золари мустақил ўқимоқдалар. Компартиянинг катта марказий, маҳаллий ва завод матбуоти бор. Компартия 200 га яқин газета ва журнал чиқармоқда. Мамлакатдаги демократик ҳаракатда Италия коммунистик партияси етакчилик ролини бажараётганлиги ҳаммага ма'лум. Партия амалда ишчилар синфининг ва бутун итальян халқининг раҳбар кучи, марксча-ленинча авангарди ва йўлбошчисидир.

Италия коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Тольятти ўтган йили сентябрь ойида Генуяда коммунистларнинг митингида нутқ сўзлаб, компартия эришган муваффақиятларининг сабабларини баён қилиб берди:

— Италияда,—деди у,—бизнинг коммунистик партиямиз бу қадар юксак тараққий этганлигининг, жамиятимизда бу қадар чуқур илдиз отганлигининг қандай сабаблари борлиги тўғрисида ҳамда Коммунистик партиямизга нисбатан ўн йил мобайнида, ҳатто мингларча турли та'қиб ва қувғин методлари қўлланилганига қарамай, ана шундай бўлганига қарамай, партиянинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлигининг, ўз позицияларини сақлаб қолаётганлигининг ва бу позицияларини кенгайтириб бораётганлигининг ҳамда партия сўзининг кучи ва э'тибори тобора ошиб бораётганлигининг қандай сабаблари борлиги тўғрисида менга ва сизга неча марталар савол бердилар. Бизга бу хилда савол беручиларга жавобимиз битта: бунинг сабаби шундаки, партия а'золаримизнинг, кадрларимизнинг фаолияти туфайли партия, ишчилар синфи ва халқ ўртасида шундай алоқаларни ўрнатаолдикки, бу алоқаларни бузиш энди сра мумкин эмас.

Италия Коммунистик партияси ўз фаолиятида В. И. Ленининг омма блан алоқада бўлишнинг зарурлиги ҳақидаги кўрсатмасини муваффақият блан амалга оширмоқда. Партиянинг кучи ана шунда, унинг бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувининг гарови ана шунда.

А. ДЬЯКОВ.

Франция Миллат мажлисининг сессияси

ПАРИЖ, 20 январь. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, 19 январьда Франциянинг 2 январьда сайланган Миллат мажлиси сессияси очилди. Конституцияга мувофиқ, сессияни энг кекса депутат ва Франция ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларидан бири коммунист Марсель Кашен очиб, нутқ сўзлади.

Марсель Кашен янги депутатларни табриклади ва ба'зи реакцион сиёсий арбобларнинг илгариги реакцион сайлов системасини тиклашга эришиш йўлидаги ўринишларини қоралади. Кашен пропорционал вакиллик системасининг адолатли система эканлигини уқтириб ўтди.

Нотиқ Франциянинг ва француз халқининг «тушкунлиги» ҳақидаги четэл буржуа матбуотида ёзилаётган туҳмат гапларни рад этди. «Кечаги кундагидек, бугун ҳам, — деди у, — 1956 йилдаги Франция ўзининг олийжаноб ўтмишини сира унутмайди ва унинг халқи француз традицияларига бўлган садоқатини аввалгича сақлаш ниятидадир. Бундан ўн йил илгари халқимиз қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамонларининг сон-саноқсиз қурбонлар бериши натижасида ўз территориясини озод қилди. Ана шундан кейин Франциянинг ишчилари, деҳқонлари, хотин-қизлари ва ёшлари фидокорона меҳнатлари ва ижодий маҳоратлари туфайли Франциянинг саноатини, я'ни гитлерчилар агрессияси натижасида вайрон бўлган саноатини тамомила тиклайолдилар. Улар деҳқончилигимизнинг маҳсулотини анча кўпайтирабилдилар. Франция ҳақида ҳа деб таҳқорланаётган туҳмат гапларга қараганда ҳам адолатсизроқ бирон нарса бўлмаса керак. Мен бу ерда ана шу туҳмат гаплар ҳақида ҳозиргина айтиб ўтдим. 1956 йилдаги Франция халқи бундай бўлмағур гапларни рад этади. Ҳақиқат шундан иборатки, француз халқи жаҳон ишлабчиқаришида ўзининг фахрли ўрнини сақлаб қолмоқ учун зарур қурбонларни беришга қарқачондагига қараганда ҳам кўпроқ тайёрдир».

Кашен уқтириб ўтдики, француз меҳнаткашлари ўртасида халқ фронти тузишга интилиш борган сари кучаймоқда ва бутун француз халқи халқаро кескинликнинг янада юмшатилишини истамоқда.

«Сўнгги кунларда француз халқи Шимолий Африкадаги воқиалар муносабати блан жиддий ташвишларни ўз бошидан кечирди, — деди сўзини давом этдириб Кашен, — буни инкор қилиш беҳуда бўлур эди. Француз халқи ҳукумат томонидан юргизилаётган сиёсат фожиали оқибатларга сабаб бўлиши мумкин деб ва мавжуд методлар тубдан ўзгартирилмаса янада ёмонроқ аҳвол юз бериши мумкин деб ташвишланмоқда».

Кашен Ҳинди-Хитойдаги урушнинг ачинарли сабоғини Шимолий Африкада таҳқорламасликка чақирди ва Тунисдаги, Жазоирдаги, Марокашдаги ҳамма проблемаларни дарҳол тинч йўл блан ҳал этиш зарур деб уқтириб ўтди. Шу муносабат блан Кашен Франция конституциясидаги қоидаларни эслатиб ўтди. Бу қоидаларда, Франция ҳечқачон бирор халқнинг эркинлигига қарши ўз кучларини ишлатмайди, деб э'лон қилинади.

Франция, деди ўз сўзининг охирида Кашен, дун'ёда республика усулини биринчи бўлиб амалга оширган биринчи ҳозирги замон давлати бўлди. Франция ҳақиқий озодликка нафрат блан қарашни Франциядан талаб этишга жур'ат қилаётган кишиларга эргашишдан қарқачондагига қараганда ҳам қат'ият блан бош тортади. Франция ақл-идроқ ҳукмронлигини, асл демократияни, халқлар қардошлигини ва тинчликни ёқлаб чиқмоқда.

Сўнгра Кашен Миллат мажлиси депутатларининг ваколатларини текшириш учун 10 та мандат комиссияси тузилажагини айтди. Комиссияларнинг а'золари депутатлар орасидан чек ташлаш йўли блан сайланади. Шу блан мажлис ёпилди. 20 январьдаги мажлисда мандат комиссияларининг докладлари муҳокама қилинади.

Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 20 январь. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгаши Исроил қуролли кучларининг 1955 йил 12 декабрьга ўтар кечаси Тивериад кўли районида Сурия территориясига ҳужум қилганликлари муносабати блан Сурияннинг Исроил устидан берган шикоятини кўриб чиқди.

Мажлис бошланиши блан Сурия вакили Шукейри сўзга чиқди. У айтдики, Югославия блан Сурия тақдим этган резолюция проектлари Совет Иттифоқи тақдим этган қўшимчалар блан биргаликда Сурия томонидан қилинган шикоятнинг моҳиятини акс этдиради ва Исроилнинг келгусида араб мамлакатларига қарши қаратилган агрессив ҳаракатлари такрорланишига йўл қўймайдиган конкрет тадбирларни ўз ичига олади. АҚШ, Англия ва Франция резолюция проекти эса, деди Шукейри, Сурия территориясига бостириб кирганлиги учун Исроилни қоралайди, лекин Исроилнинг бундай ҳаракатларини такрорлашига йўл қўймаслиқ тўғрисида бу проектда кўзда тутилган тадбирлар етарли эмас. Уч давлат резолюциясининг камчилиги яна шундаки, деди Шукейри, бу резолюция Сурининг Исроилга нисбатан сиёсий ва иқтисодий санкциялар қўлланиш ҳақидаги илтимосини э'тиборга олмайди. Броқ, деди Шукейри, уч давлат резолюцияси проектига Эрон тақдим этган тузатишларнинг киритилиши бу резолюцияни яхшилайди.

Югославия делегациясининг 18 январьда Хавфсизлик Кенгаши мажлисида тақдим этган резолюция проекти тўғрисида Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев сўзлади.

«Биз шундай деб ҳисоблаймизки, — деди у, — бу резолюция проекти Хавфсизлик Кенгашида якдиллик блан қарор қабул қилиш учун мақбул асос бўлаолади. Кенгашнинг ҳамма а'золари ўз сўзларида ана шундай якдилликка чақириб ўтдилар. Совет делегацияси ана шу истакни назарга олиб, Югославия резолюция проектини қўллаб-қувватлашга тайёрдир».

Англия ва Франция вакиллари Югославия тақдим этган резолюция проекти ўзлари учун мақбул эмаслигини айтдилар. Улар резолюцияларни қандай тартибда тақдим этилган бўлсалар, шу тартибда овозга қўйиш тўғрисидаги процедура қоидаларига хилоф суратда, уч давлат резолюцияси проектини аввало овозга қўйишни талаб этдилар.

Сўнгра уч давлат резолюцияси проекти овозга қўйилди. Хавфсизлик Кенгаши бу резолюцияни Эрон тақдим этган тузатишлар блан бир овоздан қабул қилди.

СССР вакили А. А. Соболев овоз бериш мотивлари юзасидан сўзга чиқиб айтдики, Совет Иттифоқи делегацияси бу резолюция проектини шунинг учун ёқлаб овоз бердики, бу проект Исроил қуролли кучларининг келгусида араб мамлакатлари территориясига қарши ана шундай ҳужумлар қилишни тақиқлаш учун гарчи кифоя қилмаса ҳам, ҳарҳолда унда Исроилнинг Сурия территориясига тамомила асоссиз равишда қилган қуролли ҳужумини қоралаган бирқанча қоидалар бор. Бизнинг уч давлат резолюцияси проектини қувватлаб овоз берганлигимиз, бу резолюцияда айтилган фикрга, я'ни Сурия ма'мурлари Тивериад кўлида Исроилнинг ишига аралашганлар, деган фикрга қўшилганлигимизни билдирмайди. Делегатларнинг Хавфсизлик Кенгашида сўзлаган нутқларида келтирилган фактлар, шунингдек штаб бошлиғининг доклади Исроил қуролли кучларининг Сурия территориясига бостириб кирганликларини, Сурияннинг ана шу бостириб кириш қурбони бўлиб қолганлигини жуда яққол кўрсатиб турибди. Исроилни оқлайоладиган ҳеч нарса йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Биз, деди ўз сўзини давом этдириб А. А. Соболев, Исроил ҳукуматининг э'тиборини шу нарсага жалб қилишни истар эдикки, у Хавфсизлик Кенгаши мажлисида қилинган огоҳлантиришларга жуда э'тибор блан жиддий қараши, Исроил-араб мамлакатлари чегарасида провокацион ҳаракатларни тўхтатиш учун ҳамма зарур чораларни кўриши лозим. Биз эндигина қабул қилинган резолюциянинг 5-нчи моддасига Исроил вакилининг э'тиборини яна жалб қилишни истар эдик, бу моддада тўппа-тўғри айтилганки, башарти Исроил ўзининг мажбуриятларини бажармаса, Хавфсизлик Кенгаши тинчликни сақлаш ёки тиклаш учун Уставга мувофиқ яна қандай чоралар кўриш кераклиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга мажбур бўлади. Ма'лумки, бирор районда тинчликка ва хавфсизликка таҳдид туғилган ҳолларда Устав 39-нчи моддани қўлланишни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи вакили ўз сўзининг охирида Сурия вакили Шукейридан, Сурия резолюцияси проектининг овозга қўйилишини талаб этасизми, деб сўради. Шукейри буни талаб қилмаганлигини, лекин бу проектни Хавфсизлик Кенгашининг ҳужжати бўлиб қолган проект деб ҳисоблаганлигини айтди. Шукейри зарур бўлган тақдирда бу ҳужжатга яна қайтиш ҳуқуқини ўзида сақлаганлигини айтди.

Мажлис охирида Хавфсизлик Кенгаши раиси Белаунде Кенгаш номидан баёнот қилди. У ўз баёнотида, қабул қилинган резолюцияда Исроил ҳақидаги огоҳлантиришни Исроил ҳукумати жиддият блан қабул қилиши лозим, деди.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИГА МУВОФИҚ ТА'СИС ЭТИЛГАН СИЁСИЙ КОНСУЛЬТАТИВ КОМИТЕТНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада тузилган Шартномага мувофиқ Сиёсий Консультатив Комитет тузилган эди.

Мазкур Шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар Варшава Шартномасидан келиб чиқадиган масалаларни ва биргаликда кўриладиган тадбирларни қараб чиқиш мақсадида 1956 йил 27 январьда Прагада Сиёсий Консультатив Комитет мажлисини чақириш тўғрисида битимга келдилар.

НЕРУ БЛАН БЛЮХЕРНИНГ ҚУШМА БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 20 январь. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси Неру блан Блюхернинг қўшма баёнотини билдиради. Баёнотда кўрсатиладики, Ҳиндистон ҳукуматининг таклифита мувофиқ, Германия Федерал Республикасининг вице-канцлери Блюхер Ҳиндистонга расмий визит блан келган ва президент Ражендра Прасад ҳамда вице-президент Радхакришнан томонидан қабул қилинган. У, Ҳиндистон бош министри блан ва Ҳиндистон ҳукуматининг министрлари блан бирнеча марта суҳбатлашган.

Неру ва Блюхер, дейилади, жумладан, баёнотда, мамлакатлар ўзаро муносабатларида ички ишларга аралашмаслик принципларига амал қилишлари лозим, деб келишганлар. Ҳиндистон бош министри, манфаатдор томонлар Германиянинг ҳар иккала қисмини герман халқининг истакларига мувофиқ суратда тинч йўл блан бирлаштириш тўғрисида тез орада битимга эришади, деб ишонч билдирди.

Музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасида янада яқинроқ иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Вице-канцлер Блюхер Ҳиндистон бош министрини Германия Федерал Республикасига боришга таклиф қилди. Бош министр бу таклифни қабул қилди.

Нерунинг сафар қилиш вақти кейинроқ белгиланади.

АВСТРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА БРОШЮРА

ВЕНА, 19 январь. (ТАСС). Венадаги «Глобус» нашриёти Австриянинг бирқанча делегацияларининг Совет Иттифоқига бориб келган эди. Булар орасида қишлоқ хўжалик делегацияси ва энергетика хўжалиги соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг группалари, савдо делегацияси, Венадаги етакчи газеталар редакторларининг делегацияси бор эди. СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Австрия парламент а'золари делегацияси Совет Иттифоқида анча вақт бўлди. Бу сафарлар, дейилади брошюрада, социал системаларнинг турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашлари мумкинлигини исбот қилучи далилдир. Бу идея чуқур томир ёйди ва Австрия блан давлат шартномаси тузилганлиги кўрсатиб турганича, амалий натижаларга ҳам олиб келди. Шарқдаги улуғ давлат блан танишиш талаби тобора кучаймоқда. Москва халқаро учрашувлар бўлаётган жойга айланди.

Брошюрада Австриядаги турли жамоат арбоблари ва сиёсий арбобларнинг Совет Иттифоқига борганликлари тўғрисида айтган кўп гаплари тўпланган.

Совет Иттифоқига бориб келган австрияли журналистлар ва парламент а'золари, дейилади брошюрада, кўп нарсаларнинг ўзлари кутгандан тамомила бошқача эканлигини кўрдилар. Совет системасининг қуввати ва мустаҳкамлиги уларда айниқса катта таассурот қолдирди. Брошюрада Австриянинг ҳархил делегациялари Совет Иттифоқига бориб келганлиги иккала мамлакат ўртасидаги нормал муносабатларнинг мустаҳкамланишига ёрдам берди, деб уқтириб ўтилади.

Югославияга иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Америка-Югославия музокаралари тамом бўлди

БЕЛГРАД, 20 январь. (ТАСС). Югопресс агентлигининг хабар қилишича, Белградда 1955 ва 1956 йилларда Югославияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ва Америка томонидан иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисида АҚШ ва Югославия вакиллари ўртасида олиб борилган музокаралар тамом бўлган.

Шу масалалар юзасидан дастлабки музокаралар ўтган йилнинг октябрь ойида АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Роберт Мэрфи Югославияга келган вақтда Белградда олиб борилган эди.

Америка самолётлари Хитойнинг ҳаво чегараларини яна бузиб ўтдилар

ПЕКИН, 20 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитойга қарашли Дачэнь ороллaридан 200 километр шарқда турган Америка ҳарбий кемаларидаги беш гуруҳ америка самолётлари 18 январьда Хитойнинг қирғоқ бўйидаги ороллари устида ва қит'адаги Хитойнинг Чжэцзян вилояти райони устида провокацион мақсадларда учиб юрди.

Хабарда айтилишича, бу — Америка харбий самолётларининг шу ой ичида Хитойнинг ҳаво чегараларини иккинчи марта бузиб ўтишидир.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида янги кутубхона ташкил қилинди. Кутубхонанинг 3 минг дона китоб фонди бор. Кўпгина колхозчилар бу кутубхонанинг доимий а'золаридир. **Суратда:** кутубхоначи **Б. Маҳмудов** китобхон **Т. Деҳқонбоевага** китоб ажратиб бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Янги қурилишлар

Ўртасарой районидаги Булганин номли колхозда янги кўчиб келаётган хўжаликлар учун ий-жой бинолари қуриш ишлари қучайтирилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 24 та янги типда қурилган уй-жой бинолари колхозчилар учун фойдаланишга топширилди. Колхоз правлениеси қишлоқ марказини обод қилиш ва колхозчиларни янги уйларга кўчириш мақсадида бу йил ана шундай янги уй-жой биноларидан 40 тасини қуришни планлаштирди.

Убаев бўри отди

Бешқашқа яйловида «Коммуна» колхозининг эчкилари ва йилқилари ўтлайди. Йилқибоқар Маҳмуд Убаев кечки пайт йилқиларнинг бесарамжон бўлганини пайқади. У дарҳол бу бежиз эмаслигини сезди-да, милтиғини ўнглаб атрофга назар ташлади, тўсатдан, отларга ҳамла қилмоқчи бўлиб турган бўрини кўрди. Убаев тезда бўрига қараб ўқ узди Маҳмуд Убаевнинг оттан ўқи зойи кетмади. Чорванинг ашаддий душмани—бўри бир ўқ блан ўлдирилган эди.

Паркент район Заготживсирьё идораси Маҳмуд Убаевни пул блан мукофотлади.

Х. БОСИТ.

СУД ЗАЛИДАН

Виждонсиз жазоланди

Ўқитучи Шараф Тошпўлатов оилали, унинг тўртта боласи ҳам бор. Ш. Тошпўлатов Калинин районидаги 12-нчи мактабнинг 7-нчи синфида ўқиб юрган қўшнисининг қизи «Ф»ни зўрлайди. У хомиладор бўлади. Тошпўлатов «Ф»ни оборт қилдиришга мажбур қилади. Сўнгра ўз жиноятининг фош бўлишидан ҳавфсираб «Ф»ни Қорасув районига қочириб юборади.

Яқинда жиноятчи Ш. Тошпўлатовнинг жиноий иши область суди томонидан кўрилди. Суд виждонсиз ўқитучи Ш. Тошпўлатовни 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да кундуз **Ревизор**, кечқурун **Гамлет**, 23/I да **Бой ила хизматчи**, 24/I да **Ҳамза**.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да кундуз **Пиковая дама**, кечқурун **Раққоса**, 24/I да **Ромео ва Жульетта**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/I да кундуз **Сингиллар қиссаси**, кечқурун **Азиз ва Санам**, 23/I да **Тоҳир ва Зуҳра**, 24/I кеч соат 8 да **Тамошабинлар конференцияси**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 22/I да **Концерт**. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Боруҳова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев, Наби Ҳасанов**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Узоқов**, «Баҳор» хотин-қизлар хореография ансамбли қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирк коллективи гастрольларининг давоми**. Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар ва маймунлар**. Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади.

НАВОИ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «РОДИНА» (кеч соат 8 ва 10 да) — **Баҳор совуқлари**.

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 7 гача **Баҳор совуқлари**, кеч соат 7 дан **Дайди** (иккала серия).

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 дан кундуз 4 гача **Дайди** (иккала серия).

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **Давлат Рус музейи**, кундуз соат 4 да **Ганга**.

Қорасув район, Ленин номли колхоз, «Сур'ат» участкасида туручи **Муҳаррам Ерматованинг** шу район, Ленин номли колхозда туручи Кенжа Ерматовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Қорасув район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р.00621 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. №—1356.